VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

# MILLIY TIKLANISH

34 (95) 2010 йил 25 август, чоршанба • Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган
www.milliytiklanish.uz



Баркамол авлод орзуси

Истиқлол биз ёшларга кенг имкониятлар бермоқда. Шу боис ҳар бир тенгдошимга тилагим шуки, аввало эркинликнинг қадрига етиб, уни доимо улуғлаб, мамлакатимиз байроғини янада юқори кўтариш асосий мақсадимиз бўлсин.

2-бет



Мустақиллик — энг улуғ неъмат

Таъкидлаш жоизки, партия фаолиятида бу қутлуғ байрамни муносиб кутиб олиш ва юқори савияда ўтказиш анъанага айланган. Бу йил ҳам ЎзМТДП III-пленумида "Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар" дастури тасдиқланди ва унинг ижроси таъминланмоқда.

4-бет



Кашфиётлар

инсоният асрлар давомида китоб ва қўлёзма асарларни сақлаб қолишда асосан қўл меҳнатидан фойдаланган. Лекин ёзув машинкаси ихтиро қилингач, инсон бу қурилмага қўлёзмаларни батамом ишониб топширди. Ёзув машинкасини ихтиро қилиниши ўз даврида маданиятнинг юқори даражага кўтарилишига сабаб бўлади.

7-бет

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисида

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шуҳратини юксалтириш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш соҳасидаги узоқ йиллик фидокорона меҳнати ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга **«Ўзбекистон Қаҳрамони»** унвони берилиб, олий нишон – **«Олтин юлдуз»** медали топширилсин:

**Зияев Юсуп Мингкабилович** – «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компаниясининг 166-йўл машина станцияси темир йўл қуриш механизми машинисти

**Ғопиров Камолидин** – Шаҳрихон туманидаги 53-мактаб интернати директори, Андижон вилояти

**Эргашева Патила** – Бувайда туманидаги «Патилахон» фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 24 август



**Зияев Юсуп Мингкабилович**



**Ғопиров Камолидин**



**Эргашева Патила**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

**Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқимиз маданияти ва маънавиятини юксалтириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси, ёрқин истеъдоди ва ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати, ёшларни она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвонлар ва орденлар билан тақдирлансин:**

**«Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби»**

**Муҳаммаджонов Рихсибой** – Ўзбекистон кино арбоблари бирлашмаси аъзоси, кинодраматург

**Расулов Алишер Турсунбоевич** – Республика эстрада-цирк коллежи ўқитувчиси, композитор

**«Ўзбекистон Республикаси халқ артисти»**

**Адашев Ражаб Ҳалимович** – «Ўзбекфильм» киностудияси актёри

**Назарбеков Озодбек Аҳмадович** – Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси

2-бет

## Самимий қутлов

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига**

**Жаноби Олийлари!**

Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганининг 19 йиллиги муносабати билан Хитой Халқ Республикаси ҳукумати, халқи ва шахсан ўз номимдан Сиз, Жаноби Олийларига ва дўст Ўзбекистон халқига самимий қутловлар ва энг эзгу тилакларни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Мустақиллик қўлга киритилганидан кейин ўтган 19 йил давомида Сиз, Жаноби Олийларининг раҳнамолигингизда Ўзбекистон ҳукумати ва халқи давлат мустақиллиги, унинг суверенитети ва хавфсизлигини таъминлаб, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш имкониятларидан самарали фойдаланиб, хорижий давлатлар билан алоқаларни муттасил кенгайтириб, давлат қуриш ва мамлакатни равнақ топтиришдек буюк хайрли ишларда салмоқли ютуқларни қўлга киритган ҳолда, мавжуд шароит ва хусусиятларга мос ривожланиш йўлидан дадил бормоқда. Биз, Ўзбекистоннинг яқин қўшнилари, дўст ва ҳамкорлари мамлакатингиз эришаётган муваффақиятлардан чин дилдан қувонамиз.

Давлатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилган кундан Хитой-Ўзбекистон муносабатлари изчил ривожланиб келмоқда. Мамлакатларимиз сиёсат соҳасида ўзаро ишонч руҳидаги муносабатларни қўллаб-қувватлаб, ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорликни амалга оширмоқда. Хавфсизлик соҳасидаги ҳамжиҳатлигимиз мустаҳкамланиб, гуманитар алоқаларимиз муттасил кенгаймоқда. Мамлакатларимиз ўзаро манфаатли ғоят муҳим масалаларда бир-бирини фаол қўллаб-қувватламоқда, БМТ ва ШҲТ каби халқаро ташкилотлар доирасида яқин ҳамкорлик қилмоқда, мамлакатларимизнинг муштарак манфаатларини самарали ҳимоя қилиб, минтақада ва бутун дунёда тинчлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлашга катта ҳисса қўшмоқда.

Жаноби Олийлари, мамлакатингизга жорий йил июнь ойидаги давлат ташрифим асносида Сиз билан Хитой ва Ўзбекистон ўртасида сиёсий ҳамжиҳатликни ва барча соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ҳар томонлама мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашдик ҳамда қатор муҳим келишувларга эришдик. Хитой билан Ўзбекистон ўртасидаги дўстлик, шериклик ва ҳамкорлик муносабатларини янги босқичга кўтариш учун икки томон эришган келишувларни ҳаётга фаол татбиқ этиш мақсадида Сиз, Жаноби Олийлари билан биргаликда бутун куч-ғайратимни сафарбар этишга тайёр эканимни изҳор қилишга ижозат бергайсиз.

Икки томон учун ҳам қулай вақтда Сиз, Жаноби Олийларининг Хитойга ташрифингизни кутиб қоламан.

Дўст Ўзбекистонга куч-қудрат ва тараққиёт, халқингизга бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Жаноби Олийлари, Сизга мустаҳкам соғлиқ ва фаолиятингизда улкан муваффақиятлар тилаб билдирган истакларимни қабул қилгайсиз.

**Ху ЦЗИНЬТАО,**
**Хитой Халқ Республикаси Раиси**

АНЖУМАН

Юртимизда мустақилликнинг илк кунлариданоқ оила ва никоҳ тушунчалари муқаддас қадрият сифатида эътироф этилиб, уларнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, соғлом оила муносабатларини шакллантириш, пировардида жамият маънавиятини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш йил сайин такомиллашиб бормоқда.

## "Юксак маънавиятли оила – ёш олимлар нигоҳида"

### ЎзМТДП ҳамда Республика "Оила" илмий-амалий маркази ҳамкорлигида эълон қилинган ушбу номдаги танлов ғолиблари аниқланди



"Оила йили", "Ёшлар йили" асосида қабул қилинган Давлат дастурлари ҳамда Юртбошимизнинг бу борадаги Фармон ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари замирида оиланинг жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш, ота-боболаримиздан қолган анъаналар — оила шаъни ва қадр-қимматини асраб-авайлаш, соғлом оила муҳитини шакллантиришга қаратилган эзгу-мақсадлар мужассам. Зеро, оилада миллат давомчилари бўлган ёш авлод камол топар экан, унинг соғлом муҳитга эга бўлиши ҳаётий заруратдир. Президентимиз таъбири билан айтганда, соғлом оила жамият мустаҳкамлигини, жамият мустаҳкамлиги мамлакат барқарорлигини вужудга келтиради.

4-бет

ЖАРАЁН

Бугун юртимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислоҳотлар, бунёдкорлик ва яратувчилик меҳнати, Ватанимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, халқимизнинг ўз ҳаётидан рози бўлиб яшаётганлиги ва бошқа кўплаб эзгу ишлар замирида мустақиллик шарофати ва имкониятларини кўрамиз. Мустақиллик йилларида Ватанимизда фаол демократик ўзгаришлар, кенг миқёсли ислоҳотлар изчил давом этиб, Ўзбекистон жаҳонда кечаётган молиявий-иқтисодий инқирозга қарамасдан иқтисодий-ижтимоий тараққиётнинг юксак кўрсаткичларига эришмоқда.




## Ватан — муқаддас, инсон — азиз

### истиқлол моҳияти, мақсад ва муддаоси замирида ана шундай эзгу ғоя мужассам

Мустақиллик туфайли дунё харитасида янги ўзбек давлатининг пайдо бўлиши ва унинг халқаро ҳамжамиятдан муносиб ўрин эгаллаши, халқимиз ва миллатимиз номи жаҳонга танилиши биз учун беқиёс тарихий воқеадир. Истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари бошчилигида эришилган улкан ютуқларни бугун санаб адоғига етказиш мушкул. Аслида бу муваффақиятлар мевасини ҳар бир фуқаро ўз ҳаётида, оиласида, фарзандлари тақдирида кўриб, билиб турибди. Зеро, Президентимиз 2010 йил 30 июлда "Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида" қабул қилган қарорида "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон" деган эзгу ғояни ўртага ташлашлари замирида ҳам инсон манфаатлари, унинг тинчлиги ва осойишталиги, шаъни ва қадр-қиммати ҳимояси каби улуғвор мақсадлар кўзда тутилган.

3-бет

ALOQABANK – ЮКСАКЛИККА ИНТИЛГАНЛАР УЧУН

# МУКОФОТ МУБОРАК!

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг**

**ФАРМОНИ**

## Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн тўққиз йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда)

**«Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси»**

**Каллиев Тенелбай Генжебаевич** – Нукус маданият ва санъат коллежи ўқитувчиси, бахши

**«Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси»**

**Санаев Зиёдулла Файзиевич** – Самарқанд вилояти, Нарпай туманидаги 52-умумий ўрта таълим мактаби директори

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист»**

**Алимов Самандар Чориевич** – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти

**Абдуллаева Меҳрижон Кабировна** – Наманган вилоят мусиқали драма театри вокал артисти

**Аҳмедова Лола Бахтиёровна** – «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси

**Зиёев Абдунаби Кўчқорович** – Бадиий жамоалар ижодий бирлашмаси «Мақом» ансамбли созандаси

**Раҳматов Меҳриддин Тожиддинович** – Ўзбек миллий академик драма театри актёри

**Узоқова Шоҳида Норматовна** – Ўзбек давлат драма театри актёри

**Умарова Фаридахон Жўраевна** – Республика ёш томошабинлар театри актёри

**Усмонов Рамиз Бекназарович** – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти

**Ҳамроева Нодира Михайловна** – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри балет артисти

**Кўзиев Тоир Асқарович** – «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси «Сато» гуруҳи бадиий раҳбари

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»**

**Ортиқов Ғайрат Азизович** – Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти доценти, рангтасвирчи рассом

**Омирзакова Кирмизи Жумамуратовна** – Қорақалпоғистон Республикаси, Шуманай туманидаги 2-умумтаълим мактабининг математика ва информатика фани ўқитувчиси

**Убайдуллаев Мирза-Улуғбек Абдуллаевич** – Андижон олимпия захиралари спорт коллежи директорининг спорт ишлари бўйича ўринбосари

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист»**

**Бузруков Аҳмаджон Аъзамхонович** – Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали «Ахборот» информацион эшиттиришлар муҳарририяти бўлим мудири

**Мамадиев Равшан Абдуманнобович** – «Наманган ҳақиқати» газетаси катта мухбири

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими»**

**Атабоев Давронбек Жуманазарович** – Хоразм вилоят қўғирчоқ театри раҳбари

**Ботиров Зубайдулла Ворисович** – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри бош рассоми

**Бомуродов Бобур Ҳодиевич (Бобур Бобомурод)** – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

**Воҳидов Шуҳрат Хуршидович** – Ўзбекистон темир йўллари маданият саройи бадиий раҳбари, хонанда

**Мамажонов Анвар Алимжонович** – Республика рассомлик коллежи ўқитувчиси, график рассом

**Мамадиев Абдинаби** – Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмасининг Қашқадарё вилояти бўлими аъзоси, рангтасвирчи рассом

**Мўминова Шаҳнозхон** – Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, чиннисоз-рассом

**Раҳматов Султонали Аҳмаджонович** – Эркин ижодкор, бастакор

**Сафарова Матлуба Тилаволдиевна** – Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телеканали Маданий-маърифий ва бадиий дам олиш дастурлари бош муҳарририяти катта муҳаррири

**Ҳакимжонов Ҳотам Халилович** – Марғилон шаҳар маданият уйи бадиий раҳбари, бадиий сўз устаси

**Ҳасанов Ҳамидулла** – «Ўзбекфильм» киностудияси кинооператори

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими»**

**Жўраев Ихтиёр Бозорович** – Республика шошилинч тез тиббий ёрдам илмий марказининг Навоий филиали анестезиология-реанимация бўлими мудири

**Тошбеков Фарҳод Бахромович** – Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги тиббиёт-санитария бирлашмаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози»**

**Пономарёв Александр Викторович** – Сув спорти турлари республика олий спорт маҳорати мактабининг байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича мураббийи

**Қурбонов Олимжон Исоқович** – Республика олимпия захиралари коллежининг юнон-рум кураши бўлими бош мураббийи

**«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи»**

**Аҳмедов Баҳодир Йўлдошбоевич** – Футзал бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Каримова Евгения Сергеевна** – Таэквондо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**«Фидокорона хизматлари учун» ордени билан**

**Қурбонов Равшанбек Давлатович** – Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази директори

**Меньков Вадим Юрьевич** – Байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

**Юсупов Ибрагим** – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри бош балетмейстери

**«Меҳнат шуҳрати» ордени билан**

**Зиёмуҳамедов Садриддин Муҳиддинович** – Ўзбекистон кино арбоблари бирлашмаси аъзоси, саҳналаштирувчи-рассом

**Муҳамедов Қобилжон Ғафурович** – Тошкент кимё-технология институтининг Қўнғирот сода заводи қошидаги махсус сиртқи бўлим декани

**Норматов Нодир** – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, санъатшунос

**Равшанов Мансур Темирович** – Сурхондарё вилоят мусиқали драма театри бош режиссёри

**Рафиқов Абзал Азимович** – Ўзбек давлат драма театри актёри

**Ҳасанов Фахриддин Салоҳович** – «Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти таҳририят мудири

**Хўжаёров Бахтиёр** – Ўзбекистон Фанлар академияси Самарқанд бўлими раисининг ўринбосари, Минтақавий муаммолар комплекс илмий-тадқиқот институти директори

**Шарипов Сайдиолим Акрамович** – «Давлат белгиси» давлат илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси бош рассом-дизайнери

**Эгамова Зулайҳо Ибрагимовна** – Навоий вилояти, Навбаҳор туманидаги 14-мактаб директорининг маънавий ва маърифий ишлар бўйича ўринбосари

**Юнусов Ҳамроқул Некбаевич** – Қашқадарё вилояти, Касби тумани тиббиёт бирлашмасининг шошилинч тиббий ёрдам бўлими бошлиғи

**I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан**

**Умаров Иброҳимжон Саматович** – Фарғона вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг хирургия бўлими мудири

**II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан**

**Тўрақулова Муқаддамхон Маҳмудовна** – Жиззах вилояти, Мирзачўл туман тиббиёт бирлашмасининг «Ўзбекистон» қишлоқ врачлик пункти умумий амалиёт врачи

**Усмонова Муаттар Жалиловна** – Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали «Болалар ва ўсмирлар» эшиттиришлари бўлими мудири

**«Дўстлик» ордени билан**

**Азимов Абдумажид Абдуллаевич** – «Моҳият» газетаси бош муҳаррири

**Атабоев Азаматжон Шодмонбекович** – Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангтасвирчи рассом

**Галахов Олег Викторович** – Ўзбекистон академик рус драма театри актёри

**Ғуломов Шуҳрат Маннопович** – Тошкент давлат техника университетининг кафедра профессори

**Зимин Андрей Юрьевич** – Бухоро вилояти, Ромитан саноат касб-ҳунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси

**Мирхолиқов Раҳим-Мурод Тўхтаевич** – «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйи муҳаррири

**Пак Зинаида Владимировна** – «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси муқовалаш цехи матбаачиси

**Сайимов Салим Сайимович** – Қарши санъат коллежи директори

**Солиҳов Улуғбек Шокирович** – Тошкент давлат мусиқали комедия (оперетта) театри овоз режиссёри

**Юсубов Багбек** – Хоразм вилояти, Ҳазорасп туманидаги 1-ихтисослашган мактабнинг математика фани ўқитувчиси

**Қосимов Иброҳим Сотволдиевич** – Сирдарё вилоят мусиқали драма театри актёри

**Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ва ижтимоий ислоҳотлардаги фаол иштироки, самарали меҳнати, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишига қўшган ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:**

**«Шуҳрат» медали билан**

**Абдуҳакимова Мўттихон** – Республика Маънавият тарғибот марказининг Андижон вилояти Хўжаобод тумани бўлими тарғиботчиси

**Акрамов Саидазим Сайдаматович** – «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси офсет босма цехи бошлиғи

**Арипова Мастура Ҳикматовна** – Тошкент кимё-технология институтининг кафедра мудири

**Атабоев Зокиржон Жуманазарович** – Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси Республика телерадиомарказининг овоз ёзиш режиссёри

**Ботиров Шуҳрат Хайруллаевич** – Навоий кончилик коллежининг махсус фан ўқитувчиси

**Баҳодиров Ғайрат Отахонович** – Ўзбекистон Фанлар академияси бош илмий котиб ўринбосари, фундаментал ва амалий дастурлар бўлими бошлиғи

**Бекназаров Тошқул Эшонқулович** – Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг Жиззах вилояти бўйича мухбири

**Бобожонов Абдужаббор Қораевич** – Сурхондарё вилояти, Сариосиё туман маданият уйи услубчиси

**Бомуротов Карим Атобоевич** – Республика Маънавият тарғибот марказининг Бухоро вилояти Шофиркон тумани бўлими тарғиботчиси

**Ғафурова Сайёра Акмаловна** – Ўзбекистон давлат консерваторияси махсус фортепиано кафедраси доценти

**Дадамуҳамедова Шоҳида Мубашировна** – Тошкент шаҳар 1-сонли болалар клиник шифохонаси кўз микрохирургияси бўлими мудири

**Исомов Баҳодиржон Сирожиддинович** – Республика Маънавият тарғибот марказининг Фарғона вилояти Риштон тумани бўлими тарғиботчиси, шоир

**Муталов Шуҳрат Азизович** – Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ёшлар» телерадиоканали бош телеоператори

**Набиева Ирода Абдусаматовна** – Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг кафедра мудири

**Нуржанова Ўрозгул Ҳожабоевна** – Урганч маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг физика фани ўқитувчиси

**Олимов Одил** – Андижон уй-жой ва коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежининг чизмачилик фани ўқитувчиси

**Пиязов Женисбек Буркитович** – Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси, хонанда

**Полонская Людмила Алексеевна** – «Туркистон»-»Молодежь Узбекистана» газеталари мухбири

**Пушкарева Ольга Сергеевна** – Навоий вилояти «Знамя дружбы» газетаси корректори

**Ражабов Илёс Комилжонович** – Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи босма цехининг 5-даражали чоп этувчиси

**Саримсоқов Эшқўзи Қодирович** – Сирдарё вилоят кўзи ожизлар кутубхонаси директори

**Сатторова Муборак Бориевна** – Термиз санъат коллежининг махсус фан ўқитувчиси

**Серафимова Люда** – Тошкент шаҳар маданият ва спорт ишлари бош бошқармаси бош мутахассиси

**Солиева Ҳури Мелихўжаевна** – Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ туманидаги 16-умумтаълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси

**Сулаймонов Ботиржон Абдушукурович** – Тошкент давлат аграр университетининг кафедра мудири

**Турсунов Лутфилло Саидмуродович** – «Хабар» газетаси масъул котиби

**Тўхтаева Кубарро Акрамовна** – «Усто» бирлашмасининг Самарқанд вилояти бўлими аъзоси, каштадўз уста

**Умурзоқова Раъно Бердалиевна** – Наманган вилояти кўп тармоқли тиббиёт марказининг рентген бўлими лаборанти

**Ҳикматова Инобат Сайфиевна** – Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти қошидаги 1-сонли академик лицейнинг математика фани ўқитувчиси

**Шаҳобов Умид Шарифжонович** – «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси

**Ширинова Гулчеҳра Хайруллаевна** – «Соғлом авлод» газетаси катта мухбири

**Эргашова Мухтасархон Йўлдошевна** – Андижон вилояти, Балиқчи туман тиббиёт бирлашмасининг «Аълам» қишлоқ врачлик пункти мудири

**Қўшбоқова Собира Мусурмоновна** – Сирдарё вилояти, Мирзаобод туман тиббиёт бирлашмаси тез тиббий ёрдам бўлими навбатчи фельдшери

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2010 йил 24 август

---

## 2010 ЙИЛ – «БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ»

Ҳар қандай давлат ва миллат истиқболини ёш авлодсиз тасаввур қилиш қийин. Улар камолоти, билим ва тафаккури билан ота-боболарининг умрбоқий анъаналари давом этади, буюк ўзгаришлар, янгиланишлар юзага келади. Шу боис мустақиллик даврида мамлакатимизда ёшлар тарбияси, уларнинг баркамол бўлиб вояга етишишига катта эътибор қаратилмоқда.

# Баркамол авлод орзуси

## истиқлол берган имкониятлар сабаб ушалмоқда



Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 2010 йилнинг "Баркамол авлод йили" деб эълон қилиниши бу борада бошланган улкан ишларни давом эттириш, янги поғонага кўтариш, бир сўз билан айтганда юртимизнинг эртанги кунини белгилаб берадиган баркамол авлодга бўлган эътиборнинг яна бир намунасидир. Модомики шундай экан бугунги кунда ёшлар яратилаётган ана шундай имкониятлардан қай даражада фойдаланишмоқда? Ва бу юксак ишонч улар томонидан қай даражада оқланмоқда? Тенгдошларимизга ана шундай саволлар билан юзландик.

**Хуршида ЖЎРАЕВА, "Ягонасан муқаддас ватан" кўрик-танловининг Республика босқичи иштирокчиси:**

– Ватан – буюк аждодларимизнинг муборак хоклари осойиш топган табаррук замин. Ватан борки, ор-номусимиз, қадр-қимматимиз бор, ғурур-ифтихоримиз, иймон-эътиқодимиз мустаҳкам. Жонажон Ўзбекистонимизга бўлган чексиз меҳримизни изҳор қилиш, гўзал диёримиз мадҳини юксак пардаларда тараннум этиш – биз фарзандлар учун шарафли бурчдир. Ватанни куйлаш бахтидан ортиқ қувонч бўлмаса керак бу дунёда. Унинг тупроғини кўзимизга суртиб яшайдиган муқаддас саждагоҳимиз – она Ватанимизни ҳар қанча тараннум этсак арзийди. Зеро, Ватан туйғуси мўъжизакор кучга эга бўлиб, у ҳар бир ижодкор қалбини гўзал диёримизни мадҳ этишга ундайди.

Жорий "Баркамол авлод йили"да ёшларимизга бўлган эътибор яна бир поғонага ўсди десам муболаға бўлмайди. Шахсан мен бу йил бир қатор ютуқларга эришдим. Жумладан, янги қўшиқлар яратиб, "Ягонасан муқаддас ватан" кўрик-танловининг Республика босқичида иштирок этдим. Ўйлайманки, бу каби нуфузли танловнинг мана шу босқичига етиб келишнинг ўзи катта ютуқ ҳисобланади.

**Шерали ЖЎРАЕВ, курашчи:**

– Ҳаётдаги шиорим "Муваффақият сари интилиш"дир. Бунда албатта, спорт менга ёрдамчи, десам тўғри бўлади. Беш ёшимдан миллий спортимиз ҳисобланган кураш билан шуғулланаман.

2010 йил мусобақаларга бой, шунинг баробарида ҳаяжонли суръатларда давом этмоқда. Ўтган вақт мобайнида шуни англаб етдимки, омад ўз-ўзидан боқмас экан. Унга эришиш учун сабр-қаноат, меҳнат ва малака муҳим аҳамиятга эга.

"Баркамол авлод йили"да мамлакатимиз миқёсида спортнинг кураш тури бўйича ўтказилган қатор беллашувларда муваффақиятли иштирок этдим. Улар орасида ёшлигимдан қатнашишни орзу қилганим, уч босқичли спорт мусобақаларидан "Универсиада – 2010" десам тўғри бўларди. Ушбу нуфузли тадбирда пойтахт жамоаси шарафини муносиб ҳимоя қилиб, 1-ўринни қўлга киритдим. Шунингдек, жаҳон ареналарида ҳам ўз кучимни синаб кўриш бахтига муяссар бўлдим. Жумладан, Буюк Британиянинг Кент шаҳрида кураш бўйича ўтказилган Ислом Каримов анъанавий халқаро турнирида тенгдошларим орасида 1-ўринга лойиқ топилдим. Бу менга жуда катта куч-қувват бағишлади.

Албатта, муваффақиятларимнинг бош омили мамлакатимизда ёш авлодга яратилаётган имкониятлар, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, айниқса, спорт ва жисмоний тарбияга бўлган юксак эътибор натижасидир.

Истиқлол биз ёшларга кенг имкониятлар бермоқда. Шу боис ҳар бир тенгдошимга тилагим шуки, аввало эркинликнинг қадрига етиб, уни доимо улуғлаб, мамлакатимиз байроғини янада юқори кўтариш асосий мақсадимиз бўлсин.

**Камолиддин РАҲИМОВ, ҳунарманд, "Ташаббус – 2010" кўрик-танлови ғолиби:**

– Мустақиллик шарофати билан мамлакатимиз ҳунармандларининг миллий қадриятларимизни қайта тиклаш ва ривожлантириш, анъаналаримизни ўсиб келаётган ёш авлодга етказиш ҳамда уларни аждодларимиз меросига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига қўшаётган ҳиссалари муносиб баҳоланмоқда. Бу эса янада янги марралар сари ҳаракатланишимизга туртки бўлаяпти.

Шуни алоҳида таъкидлашим мумкинки, жорий "Баркамол авлод йили" мен учун ҳунар ўрганиш йўлида изланиш, билим ва тажриба орттириш мактаби бўлди. Ёғочдан ясаган маҳсулотларим билан "Ташаббус – 2010" кўрик-танловида иштирок этиб, ғолиб бўлдим.

Истиқлол йилларида яратилган ва яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиб, ота-боболаримиздан қолган ушбу меросни асраб-авайлаб, соҳа сирларини мукаммал ўзлаштириб, келгуси авлодларга қолдиришга ўз ҳиссамни қўшишни мақсад қилиб қўйганман.

Энг улуғ энг азиз байрам — истиқлолнинг 19 йиллигига саноқли кунлар қолди. Хулоса қилиб айтганда бугун жаннатмакон ўлкамизда ёшларимизни ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етишлари ва улғайишлари учун барча шарт-шароит яратилган, яратилмоқда. Озод юртнинг бахтли фарзандлари истиқлолимизнинг буюк неъматларидан баҳра олиб юксак марралар сари интилмоқдалар.

**«Milliy tiklanish» мухбири Камолиддин ҲОТАМОВ суҳбатлашди**

# СИЁСАТ

## ЖАРАЁН

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимиз томонидан истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб халқимиз иззатини жойига қўйиш, қолаверса, инсон ва унинг манфаатлари ҳимояси, ҳеч кимдан кам эмаслигимиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаслигимиз олий мақсад сифатида эътироф этиб келинмоқда. Шунингдек, барча олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар замирида ҳам инсон манфаатлари устувор вазифа сифатида намоён бўлмоқда.

лик кўриш билан боғлиқ партиямиз тадбирлар режаси асосида амалга оширилаётган ишлар эл-юртимизни, айниқса, ёш авлодимиз қалбида она юрт тупроғини кўзга тўтиё қилиб яшаш, Ватанга меҳр ва садоқат туйғусини юксалтириш, бугунги фаровон ва тинч ҳаётимизнинг қадрига етиш сингари эзгу мақсадларни ўзида мужассам этмоқда.

Амалга оширилаётган тадбирларда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида истиқлол йилларида барча соҳа ва тармоқларда қўлга киритилган улкан ютуқ ва натижалар моҳияти ва аҳамияти, қадр-қимматини теран идрок этиш, уларни эл-юртимиз либ чиққан ҳолда тарғиб қилинмоқда. Шу билан бирга истиқлол йилларида бетакрор маданий меросимиз, бой тарихимиз, кўҳна урф-одат ва анъаналаримиз қайта тиклангани, одамларнинг дунёқараши тубдан ўзгариб, Ватан тақдири ва истиқболига дахлдорлик туйғуси маънавий ҳаётимизнинг узвий қисмига айланиб бораётгани ҳаётий мисоллар воситасида очиб берилмоқда. Бунинг учун жойлардаги партия ташкилотлари олимлар, шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар ҳамда партия фаоллари билан яқин ҳамкорлик ўрнатмоқдалар. Умуман олганда миллий тикланиш ва миллий мустақиллик ғоялари бир-бири билан чам-

Конституциявий Қонун давлатимиз раҳбари раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми ҳамда ислоҳотлар ва ўзгаришларнинг босқичма-босқичлик тамойилига тўла жавоб берадиган тарихий ҳужжатдир. Мазкур қонун сиёсий партияларнинг истиқлол йилларида тўплаган сиёсий тажрибасига ва мавжуд имкониятларига ҳамда энг муҳими амалий фаолиятига билдирилган катта ишончнинг маҳсулидир.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида сиёсий партияларнинг ўз олдиларига қўйиган мақсад ва вазифаларини амалга ошириши учун мустаҳкам

**Юқорида таъкидланганидек, бу йилги байрам тадбирлари "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон" деган эзгу ғоя асосида ўтказилмоқда. Партиямиз томонидан белгиланган барча тадбирлар мазмуни ва руҳига шу ғоя сингдирилмоқда. Мустақиллик йилларида эришган энг катта бойлигимиз халқимизнинг тинч, осуда ҳаёти, жамиятимизда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғун бўлиб яшаш тамойили тобора мустаҳкамланиб бораётгани партиямизнинг дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда тарғиб қилинмоқда.**

сусида гапирганимизда, мустақиллик йилларида халқаро миқёсда ни-

# Ватан — муқаддас, инсон — азиз

## истиқлол моҳияти, мақсад ва муддаоси замирида ана шундай эзгу ғоя мужассам

Президентимиз Ислом Каримов Мустақиллик байрамини нишонлаш ҳақида қабул қилган қарорида "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон" деган эзгу ғоянинг мазмун-моҳиятини, унинг доирасида амалга ошириладиган ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини аниқ ва пухта қилиб асослаб бердилар.

**Президентимиз томонидан истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб халқимиз иззатини жойига қўйиш, қолаверса, инсон ва унинг манфаатлари ҳимояси, ҳеч кимдан кам эмаслигимиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаслигимиз олий мақсад сифатида эътироф этиб келинмоқда. Шунингдек, барча олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар замирида ҳам инсон манфаатлари устувор вазифа сифатида намоён бўлмоқда.**

Барчамиз учун энг буюк, энг азиз қадрият бўлмиш истиқлолимизнинг ҳар бир санаси янги тарихимиз солномасида том маънода ёркин саҳифа бўлиб, халқимизнинг фидокорона меҳнати, бунёдкорлик салоҳиятини яна бир амалий намоёни, эркин, озод ва фаровон ҳаётимиз ғурур-ифтихоримиз тимсоли сифатида кенг нишонланиб келмоқда. Мустақиллик байрамига тайёргарўртасида кенг тарғиб қилиш кўзда тутилмоқда. Энг муҳими, байрамга бағишланган тадбирларни одамлар қалбида чуқур таассурот қолдирадиган даражада ўтказилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юқорида таъкидланганидек, бу йилги байрам тадбирлари "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон" деган эзгу ғоя асосида ўтказилмоқда. Партиямиз томонидан белгиланган барча тадбирлар мазмуни ва руҳига шу ғоя сингдирилмоқда. Мустақиллик йилларида эришган энг катта бойлигимиз халқимизнинг тинч, осуда ҳаёти, жамиятимизда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик каби олижаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғун бўлиб яшаш тамойили тобора мустаҳкамланиб бораётгани партиямизнинг дастурий мақсадларидан кебарчас боғлиқ тушунчалардир. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрами тадбирларини партиямиз ташкилотлари юқори савияда ўтказишга ҳаракат қилмоқдалар.

Истиқлол имкониятлари ҳақида сўз юритар эканмиз, мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш бош стратегик мақсад сифатида белгиланиб, мустақиллик йилларида бу борада салмоқли ишлар амалга оширилганлигини эътироф этиш жоиз. Ўзбекистоннинг демократик, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш дастури, энг аввало, миллий манфаатларимизга хизмат қилувчи стратегия сифатида майдонга чиқди. Юртимиздаги кенг миқёсли ўзгаришлар халқимизнинг бой ва бетакрор тарихи ва анъаналари, мустақиллик шарофати билан ўзгариб бораётган тафаккури ва дунёқараши, бунёдкорлик салоҳиятидан куч олмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги ҳуқуқий база яратилди. Ўтган давр мобайнида сиёсий партияларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни ва роли, қарорлар қабул қилишда партияларнинг нуқтаи-назарига эътибор кучайди. Айниқса, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида партиялар фракциялари аъзоларининг қонун ижодкорлиги борасидаги фаолияти тубдан янги босқичга кўтарилмоқда.

Дарҳақиқат, кучли давлатдан - кучли жамият сари ишонч билан олдинга интилаётган мамлакатимизда фуқаролик жамияти институлари мустаҳкам оёққа туриб, ривожланиш томон юз бурган ҳозирги даврда сиёсий партиялар бундай ижобий жараёнларнинг етакчи кучи сифатида масъулиятни ўз елкаларига олишга интилаётганлиги ҳам катта ютуқларимиздан биридир. Сиёсий партиялар, уларнинг фракциялари ва депутатлар гуруҳларига берилаётган ваколат биздан жиддий саъй-ҳаракатни талаб қилмоқда. Шуни ҳисобга олиб Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ўз фаолиятини тубдан янгилаш ва масъулиятни янада оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Миллий қадриятларни тиклаш, бой ва бетакрор тарихий-маданий меросимизни ҳаққоний ўрганиш хушонланган Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хива, Шаҳрисабз, Қарши сингари қадимий шаҳарларимиз ҳамда Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Алишер Навоий, Мирзо Бобур, Мирзо Улуғбек, Бурҳониддин Марғиноний, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Бухороий сингари буюк давлат арбоблари ва алломаларимиз, шунингдек "Авесто" ва "Алпомиш" каби маънавий обидаларнинг юбилейлари кўз олдимизда яққол намоён бўлади. Партиямиз мустақиллик йилларида бошланган миллий қадриятларни тиклаш, ўзликни англаш, миллий ғояни шакллантириш ва миллий мустақиллик мафкурасини мустаҳкамлаш, халқнинг маънавий ҳаётида ўзбекона урф-одат ва анъаналарини тиклаш каби хайрли ишларни изчил, босқичма-босқич ва тизимли равишда давом эттириш тарафдоридир. Ушбу ишни сифат жиҳатдан янги даражага кўтариш, унинг самарадорлигини оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш олдимизда турган вазифалардан деб ҳисоблаймиз. Ўзбекистоннинг янги халқаро шароитларда ва геосиёсий воқеликда миллий манфаатларни рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш юзасидан амалий қадамларининг тактик ва стратегик мақсадлари ҳамда вазифалари замирида миллий тикланиш ва ривожланишнинг умумий мафкураси ва кенг қамровли дастури мавжуд. Шу боис Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, Халқ фаровонлиги — умуммиллий ғояси атрофида жамиятимизни бирлаштиришга асосланган Ўзбекистоннинг тараққиёт йўлини "Миллий тикланиш" демократик партияси қўллаб-қувватлайди. Бундан ташқари Ўзбекистонда умуммиллий манфаатлар устуворлигига асосланган мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлигини, миллатлараро ва динлараро тотувликни ҳамда ўзаро тушунишни янада мустаҳкамлашга партия бор кучи ва имкониятларини сафарбар қилади. Ватанимиз демократик йўлдан ривожланиб борар экан, ижтимоий ва маънавий ҳаётимиз умуминсоний ҳамда миллий қадриятлар муштараклигига асосланиши миллий манфаатларимизга жавоб берадиган энг мақбул йўл, деб ҳисоблаймиз.

Бугун Ўзбекистон тенглар ичида - тенг, ўзбекистонликлар эса ҳуррият ҳавосидан тўйиб нафас олаётган, ҳеч кимдан кам бўлмаган халқ — миллатга айланди. Табиийки, бундай тенглик ва ҳуррият қуруқ сўзлардан иборат эмас. Унинг замирида улкан бунёдкорлик, мардлик, жасорат эвазига эришилган иқтисодий ютуқлар, улуғвор ишлар ётади. Асрларга татигулик залворли ютуқлар ва белгиланган кенг кўламли вазифаларга амалий ишлар билан ҳисса қўшиш ва юртимизда бўлаётган воқеа ва ўзгаришларга ўзини дахлдор деб билиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

**Ахтам ТУРСУНОВ,**
**ЎзМТДП МК Ижроия Кўмитаси раиси**




O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

**ЎзМТДП САМАРҚАНД ВИЛОЯТ КЕНГАШИ**

Мамлакатимизнинг кўп миллатли аҳолисини Энг улуғ, энг азиз байрамимиз -

*Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллиги билан самимий муборакбод этади.*

Осмонимиз мусаффо, дастурхонимиз тўкин, хонадонларимиз файзу баракали бўлсин!

**Фарзандлар камолини кўриш барчамизга насиб этсин!**

# ПАРТИЯ ҲАЁТИ

АНЖУМАН

## “Юксак маънавиятли оила – ёш олимлар нигоҳида”

### ЎзМТДП ҳамда Республика “Оила” илмий-амалий маркази ҳамкорлигида эълон қилинган ушбу номдаги танлов ғолиблари аниқланди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳам оила масаласига эътибор орқали жамиятимиздаги барқарорлик ва ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлаш ғоясини илгари суради. Хусусан, партия ўзининг сайловолди Ҳаракат дастурида оила институти ва унинг қадриятларини мустаҳкамлаш борасида аниқ мақсадга қаратилган иш олиб бориш, хусусан “Юксак маънавиятли оила орқали юксак тараққиёт сари” деган ғояга асосланган ижтимоий-маънавий лойиҳа яратиш ва уни амалга оширишни ўз олдига муҳим вазифа сифатида белгилаб олган. ЎзМТДП томонидан ушбу йўналишда ташкил этилаётган бир қатор тадбирлар, давра суҳбатлари ҳамда семинар-тренинглар бу қутлуғ гўшанинг тинч ва фаровонлигини янада оширишга, унинг қадрият ва анъаналари бардавомлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.



Жумладан, куни кеча пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Хотин-қизлар қўмитаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура ҳамда “Оила” илмий-амалий марказлари билан ҳамкорликда ўтказган “Юксак маънавиятли оила – ёш олимлар нигоҳида” мавзусидаги илмий-амалий анжуманни ҳам партиянинг бу борадаги амалий ҳаракати дейиш мумкин. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси ва Марказий Кенгаши аъзолари, “Аёллар қаноти” фаоллари, ҳамкор ташкилот вакиллари, ёш олим ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Анжуманни Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси “Аёллар қаноти” раҳбари, Республика “Оила” илмий-амалий маркази директори, психология фанлари доктори, профессор Васила Каримова кириш сўзи билан очар экан, барча иштирокчиларни мустақилликнинг 19 йиллик байрами билан табриклади. Шу билан бирга оила халқимиз учун миллатнинг кўп асрлик анъаналари ва руҳиятига мос бўлган, ғоят муҳим боқий қадриятларидан бири, фуқаролик жамиятининг таянч нуқтаси эканлигини таъкидлаб, жумладан шундай деди:

— Ҳар қандай жамиятнинг тараққиёти, ривожланиши ва мустаҳкам илдиз отиши, энг аввало, оила тинчлиги ва аҳиллигига бевосита боғлиқ. Бугунги кунда мамлакатимизда бу борада кучли ижтимоий сиёсат олиб борилаётганлиги ҳам бежизга эмас. Бундан бир неча ой аввал, ёш олимларни тўплаб, асосий ҳамкоримиз бўлган Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси билан биргаликда худди шу номда илмий-амалий конференция ўтказган эдик. Унда бир қатор ёш олимларнинг маърузасини тинглаш билан бирга “Оила” илмий-амалий марказида таълим олган ва олиб келаётган ёш аспирант-олимлар ўртасида қутлуғ байрамимиз муносабати билан ”Юксак маънавиятли оила – ёш олимлар нигоҳида” шиори остида оила мавзусига бағишланган “Энг яхши илмий мақола” танловини эълон қилдик. Танловда республика бўйлаб кўплаб ёш мутахассислар иштирок этишди. Энг қувонарлиси, танлов жараёнида маълум бўлдики, давлатимиз томонидан оила институтига берилаётган эътибор туфайли ушбу соҳани жиддий ўрганишга бўлган қизиқиш ёшларимиз орасида ортган. Сабаби, марказимизга бошқа таълим муассасаларининг аспирант ва докторантлари ҳам танловда қатнашиш истагини билдириб, мурожаат қилдилар. Аммо бу танлов мезонига мувофиқ келмаганлиги учун улар иштирок этолмадилар. Жўнатилган ишлар ҳакамлар ҳайъати ва экспертлар гуруҳи томонидан холис баҳоланди. Ҳатто йиғилган мақолалар жамланиб мустақилликнинг 19 йиллик тўйига тўёна сифатида “Юксак маънавиятли оила – ёш олимлар нигоҳида” номли китоб қилиб, нашрдан чиқарилди. Мана бугун байрам арафасида оила масаласининг энг долзарб жиҳатларини очиб бера олган мақола муаллифлари турли номинациялар бўйича тақдирланадилар.

Шундан сўнг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракцияси ва партия Марказий Кенгаши аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура маркази вакиллари ҳам оилани мустаҳкамлаш, бу борадаги тарихимизни ўрганиш, уни тарғиб ва ташвиқ қилиш ишларини мунтазам давом эттириш, оила борасида тадқиқот олиб бораётган ёш олимларни рағбатлантириш, оила муносабатларини мустаҳкамлашда ёшларнинг ролини кучайтириш, оилалардаги мавжуд муаммоларни ўрганиш каби бир қатор масалаларга бағишланган чиқишлари билан иштирок этдилар. Танловда қатнашган айрим мутахассисларнинг “Миллий истиқлол ғоясини ёшлар онгига сингдиришда оила институтининг тарбиявий имкониятлари”, “Оила модели тўғрисидаги ёшлар ва ота–оналарнинг ижтимоий тасаввурлари”, “Баркамол авлод тарбиясида маънавий қадриятлар”, “Илк ўсмирлик тасаввурида миллий мансублик рамзларининг ижтимоий-психологик хусусиятлари”, “Ёшларда репродуктив маданиятни шакллантириш”, “Онадаги эмоционал стресснинг ҳомиладорлик даври ва туғруқ жараёнига таъсири” каби қатор мавзулардаги маърузалари тингланди.

Шунингдек, анжуманда Президентимизнинг “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонининг жойлардаги ижроси, бу борада амалга оширилган ишлар ҳамда камчиликлар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбир сўнггида ”Юксак маънавиятли оила – ёш олимлар нигоҳида” шиори остида ёш олимлар ўртасида ўтказилган “Энг яхши илмий мақола” танлови ғолиблари аниқланиб, улар ЎзМТДП ва ҳамкор ташкилотларнинг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

**Ҳ.НОРҚУЛОВ, педагогика фанлари номзоди:**
— Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг Оила институтини мустаҳкамлаш, уни миллий қадрият сифатида жамиятдаги мавқеини ошириш борасида амалга ошираётган тадбирлари услуб ва ноанъанавийлиги жиҳатдан алоҳида эътирофга лойиқ. Сабаби бугунги тадбир юксак маънавиятли оилани шакллантириш масалаларини ҳам илмий, ҳам амалий жиҳатдан чуқур ўрганиш, пировардида эса бу борада аниқ таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш имконини берди. Айниқса, ёш олимларнинг ушбу йўналишдаги илмий мақолалари қўлланма сифатида нашр қилиниб, амалиётга татбиқ этилиши бир жиҳатдан тадбирнинг аниқ натижасини кўрсатса, иккинчи жиҳатдан биз каби ёш олимларнинг партия томонидан ҳам моддий ҳам маънавий қўллаб-қувватланишининг амалий кўринишидир. Танловга тақдим этган “Баркамол авлод тарбиясида маънавий қадриятлар” номли ишим партия мақсад ва ғоялари билан ҳамоҳанглигини алоҳида таъкидламоқчиман. Бу билан партия Дастурини ҳаётга татбиқ этишга оз бўлса-да ўз ҳиссамни қўшаётганимдан мамнунман.

**С.МАВЛЯНОВА,**
**Республика “Оила” илмий-амалий маркази аспиранти:**
— Мен «Онадаги эмоционал стресснинг ҳомиладорлик даври ва туғруқ жараёнига таъсири» номли мақолам билан танловда иштирок этдим. Унда асосан ҳомиладор аёллардаги руҳий ўзгаришларнинг болага таъсирини кўриб чиқдим.

Баъзи оилалар фарзанд тарбиясига бола дунёга келгандан сўнг эътибор беришади. Ҳам жисман, ҳам маънан соғлом шахсни вояга етказиш учун ҳали у дунёга келмай туриб бунга замин яратиш лозим.

Шу ўринда алоҳида эътироф этишни истардимки, партиянинг бугунги тадбири соғлом авлод тарбияси билан боғлиқ муҳим масалаларни ўзида қамраб олганлиги ҳамда уни илмий жиҳатдан чуқур таҳлил қилганлиги билан аҳамиятлидир.

**Аброр УМАРҚУЛОВ,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

ХРОНИКА

## ЎзМТДПнинг мақсад ва вазифалари

### тадбирларда ўз аксини топмоқда

**БУХОРО**

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Вобкент туман кенгаши томонидан “Чўрикалон” ҚФЙ да “Энг намунали оила” ва “Энг яхши кўча” мавзуси доирасида ўтказилган тадбир соф миллий қадриятларимиз ҳисобланган оила ва маҳалла институтини мустаҳкамлаш масаласига бағишланди. Унда сўзга чиққан ЎзМТДП туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Дилмурод Ёқубов тадбирнинг мақсад ва мазмуни ҳақида гапирар экан жумладан, шундай деди:

- Барчамизга маълумки, давлатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг оилага, унинг маънавий оламини юксалтиришга алоҳида эътибор қарата бошлади. Бу бежизга эмас. Чунки, миллатнинг ўзига хос анъана ва урф-одатларини давом эттиришда, юртнинг тинчлиги ва осойишталигини сақлашда оила ва маҳалланинг ўрни беқиёс. Бугунги кўрик-танловни ўтказишдан мақсад ҳам туманимиздаги оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, баркамол авлодни миллий қадрият ва урф-одатларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маҳаллаларимизни янада обод ва кўркам қилиш ишларига амалий ҳисса қўшишдан иборат.

Танлов сўнггида ҳар икки йўналиш бўйича ғолиблар аниқланди. Унга кўра, “Энг намунали оила” номинациялари бўйича биринчи ўринни Иброҳим Юсупов хонадони эгаллади. Иккинчи ва учинчи ўринларга Қаҳҳор Наврўзов ва Мавлон Наимовлар оиласи лойиқ, деб топилди. “Энг яхши кўча” кўрик-танловида Талигандум ҚФЙси биринчи ўринга муносиб деб топилди. Иккинчи ва учинчи ўринни эса Қипчоқ, Қипчоқ-2 ҚФЙлари эгаллади. Ғолибларга ЎзМТДП туман кенгаши ҳамда ҳамкор ташкилотлар томонидан эсдалик совғалари ва фахрий ёрлиқлар топширилди.

* * *

- Истиқлол йилларида мамлакатимизда Президентимиз ғамхўрлиги остида ёшларга кенг имконият ва имтиёзлар яратилмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, республикамизда олиб борилаётган иқтисодий, ижтимоий-сиёсийислоҳотларда ёшларимиз ҳам фаол иштирок этаётганини кўришимиз мумкин,- деди ЎзМТДП Шофиркон туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари С.Усмонов “Мамлакатимиз интеллектуал салоҳиятини оширишда баркамол авлоднинг ўрни” мавзусида ўтказилган тадбирда. Унда халқ депутатлари вилоят ва туман кенгашлари депутатлари, “Камолот” ЁИҲ туман кенгаши, ҚФЙ фаоллари ва ёшлар иштирок этишди.

- Ҳар бир ёш авлод мана шундай эътиборни қалбдан ҳис қилишлари керак. Бунга улар ўзининг яхши ҳулқи, илм ва салоҳияти, Ватанига, халқига бўлган муҳаббати билан муносиб жавб бериши лозим,- деди Хорин маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳ. Умаров. Шунингдек, тадбирда халқ депутатлари туман кенгаши депутати Х. Шодиев, “Камолот” ЁИҲ туман кенгаши раиси С.Шариповлар мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар ва шу сингари тадбирларни бошқа чекка ҳудудларда ҳам ўтказиш мақсадга мувофиқ эканини таъкидладилар.

**ҚАШҚАДАРЁ**

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Касби туман кенгаши туман хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда Денов ҚФЙ да “Мустақиллик-инсон манфаати ва эркинлигининг асоси” мавзусида давра суҳбати ўтказди.

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимиоий-сиёсий, маданий-маърифий ислоҳотларнинг барчаси инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга, аҳолининг турмуш тарзини яхшилашга қаратилганлиги хусусида сўз юритдилар.

Давра суҳбати қизиқарли ва баҳс-мунозараларга бой бўлди.

* * *

ЎзМТДП Миришкор туман кенгаши “Маҳаллаларда миллий маданият ва урф-одатларни шакллантириш” мавзусида давра суҳбати ўтказди. Унда ЎзМТДП туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Йўлчи Очилов сўзга чиқиб, ўзбек маҳаллалари қадимдан миллий урф-одатлар ва анъаналарни ўзида мужассам этиб келаётганини таъкидлаш билан бирга, ота-онани қадрлаш, катталарга ҳурматда, кичикларга иззатда бўлиш, муҳтож кишиларга ёрдам қўлини чўзишдек инсоний фазилатларнинг камол топишида маҳалла муҳим ўрин тутишини, партия томонидан маҳаллалар ўртасида ўтказилаётган мана шундай тадбир ва учрашувлар урф-одат ва анъаналаримизнинг бардавомлигини таъминлашда ўзига хос аҳамият касб этишини ҳам айтиб ўтди.

**ЎзМТДП Ахборот хизмати**

Айни пайтда, ЎзМТДПнинг барча ҳудудий ташкилотлари томонидан Энг улуғ, энг азиз байрамимизга бағишлаб “Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон” шиори остида тадбирлар ўтказилмоқда. Таъкидлаш жоизки, партия фаолиятида бу қутлуғ байрамни муносиб кутиб олиш ва юқори савияда ўтказиш анъанага айланган. Бу йил ҳам ЎзМТДП III-пленумида “Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича чора-тадбирлар” дастури тасдиқланди ва унинг ижроси таъминланмоқда.

ЎзМТДП ТАШКИЛОТЛАРИДА

## Мустақиллик — энг улуғ неъмат

### партия ҳудудий ташкилотлари томонидан ўтказилаётган байрам тадбирлари давом этмоқда





Президентимиз Ислом Каримов айтганларидек, мустақиллик биз учун энг улуғ, энг азиз қадрият бўлиб, миллий ўзлигимиз, ор-номусимиз, ғурур-ифтихоримиз тимсоли, эзгу орзу-интилишларимиз, ютуқ ва марраларимизнинг ҳаётбахш манбаи сифатида шу муқаддас заминда яшаётган барча ватандошларимиз қалбидан тобора мустаҳкам ўрин эгалламоқда.

ЎзМТДП Мирзо Улуғбек туман кенгаши томонидан туман хотин-қизлар қўмитаси, халқ таълими бўлими, “Маҳалла” жамғармаси, “Камолот” ЁИҲ туман кенгаши ҳамда ФЖЎИ ҳамкорлигида Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилган байрам тадбири ҳам мустақиллигимизнинг ўн тўққиз йиллигига бағишланди.

Тадбирни очган ЎзМТДП Мирзо Улуғбек туман кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ҳалима Жуманиёзова йиғилганларни яқинлашиб келаётган улуғ айём билан табриклаб, мустақиллик туфайли юртимизда улкан бунёдкорлик, яратувчилик ишлари амалга оширилаётгани, унинг натижасида шаҳар ва қишлоқларимиз кун сайин чирой очиб бораётгани, озод ва обод, эркин ва фаровон Ватанимизда “Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун” хизмат қилаётгани ҳақида фикр юритди.

- Бугунги кунда ҳар бир фуқарони ўзини юрт тақдирига масъул деб билишга чорлаш, айниқса, бундай ватанпарварлик туйғуларини ёшлар қалбига чуқур сингдириш тадбирларимизнинг мазмун-моҳияти ва мақсадини ташкил этади, - деди ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Мусаллам Умирова.

Шунингдек, тадбирда сўзга чиққанлар истиқлолимизнинг ҳар бир санаси тарихимиз солномасида ёрқин саҳифа бўлиб қолиши, мустақиллик йилларида қўлга киритган энг катта бойлигимиз — халқимизнинг тинч ва фаровон яшаётганлиги, истиқлол туфайли инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт барпо этишнинг мустаҳкам замини яратилгани ҳақида гапирдилар.

Худди шундай эзгу ғоя остидаги тадбир ЎзМТДП Самарқанд вилоят ва Самарқанд шаҳар кенгашлари томонидан ҳам ўтказилди.

- Юртбошимиз ташаббуси билан кейинги йилларда вилоятимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ҳайратланарлидир,- деди ЎзМТДП шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ўктам Қаршиев. - Шаҳримизда ота-боболаримиз даврида бунёд этилган бетакрор обидалар мустақилликдан сўнг қайтадан тикланди ва сайқал топди. Бунинг натижаси ўлароқ шаҳримиз тарихи, кўрки, тароватиi қайтадан ёғду соча бошлади. Шу ўринда, қадриятларимизни қайта тиклаш, уни ривожлантириш борасидаги ишларга ЎзМТДП ҳам муносиб ҳисса қўшишга интилаётганини айтиб ўтиш жоиз деб ўйлайман.

Тадбир давомида элимиз ардоқлаган ёзувчи ва санъаткорлар томонидан айтилган Ватанни мадҳ этувчи шеър ҳамда куй-қўшиқлар байрам қатнашчиларига маънавий-маданий ҳордиқ улашди.

Жумладан, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Тошкент вилояти кенгаши томонидан ҳам Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят ахборот таҳлил маркази ҳамда Тошкент туман ҳокимлиги ҳамкорлигида Тошкент ва Ўрта Чирчиқ туманларида **“Юксак маънавиятли оила орқали — юксак тараққиёт сари”** мавзусида тадбир ўтказилди.

Тадбир дастлаб Тошкент тумани Зоирхон Жалилов МФЙда ўтказилди. ЎзМТДП вилоят кенгаши аъзолари, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутатлари, партиянинг “Аёллар қаноти” ва “Ёшлар қаноти” етакчилари, туман ҳокимлиги вакиллари, туман халқ таълими бўлими ходимлари ва партия фаоллари иштирок этган давра суҳбатида жамиятимизнинг ажралмас бўлаги бўлган оиланинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида истиқлол йилларида амалга оширилган ишларнинг мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритилди.

Тадбирни ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари Бахтиёр Абдураҳмонов кириш сўзи билан очиб, жумладан шундай деди: - Миллатимизнинг маънавияти, миллий қадриятлари, энг гўзал фазилатларини шакллантириш ва юксалтиришда оила муҳим ўрин тутади. Сабаби, Ўзбекистоннинг ривожланган давлатлар қаторидан ўрин эгаллаши фарзандларимизни юксак маънавиятли, кенг дунёқарашли, билимли қилиб камол топтиришимизга боғлиқ. Албатта бунда оила муҳим ўрин тутади.

- Истиқлолимизнинг илк йиллариданоқ ҳукуматимиз томонидан аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини яратиш, айниқса она ва бола саломатлигини асрашга алоҳида эътибор қаратила бошланди, - деди “Соғлом авлод” жамғармаси олий тоифали врачи Р.Аҳмаджонова. - Чунки, соғлом онадан соғлом фарзанд дунёга келади, соғлом фарзанд эса юртнинг истиқболи ҳисобланади. Ҳозирда аёлларнинг репродуктив саломатлигини яхшилаш борасида вилоятимизда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, аҳоли ўртасида тиббий кўриклар ташкил этилмоқда. Бундай ишлар олис туман ва қишлоқларда ҳам амалга оширилмоқда.

ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгашининг шу мавзуга қаратилган тадбири куннинг эртасига Ўрта Чирчиқ туман, Йўнғичқоли ҚФЙга қарашли “Янги турмуш” маҳалласида давом этди.

Тадбир миллий ҳунармандчилик ва касаначилик соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорларнинг маҳсулотлари кўргазмаси билан бошланди.

Уни ЎзМТДП вилоят кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Мунира Қориева кириш сўзи билан очди. У ўз маърузасида оила қадимдан ўзбек халқи учун муқаддас қўрғон бўлиб келгани, бу қўрғонни қанчалик мустаҳкам, обод қилсак юртимиз ҳам шунчалик равнақ топиши, мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар ҳам оила фаровонлигини оширишга қаратилганлигини айтиб ўтди. Нотиқ сўзини давом эттирар экан, ЎзМТДП Тошкент вилояти кенгаши жойларда “Қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг салбий оқибатлари”, “Оиладаги тиббий маданият, никоҳдан олдинги тиббий кўрикнинг аҳамияти”, “Соғлом она, соғлом бола — соғлом жамият”, “Репродуктив саломатлик бу нима?” каби мавзулардаги учрашув, давра суҳбати ва мулоқотларни изчил ўтказиб келаётганлигини таъкидлади.

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

# ЎзМТДП ХОРАЗМ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ

## Жаннатмакон юртимиз аҳлини мустақиллигимизнинг кутлуғ 19 йиллиги билан самимий қутлайди!



## БАЙРАМ ҚУВОНЧИ СИЗЛАРНИ ҲЕЧ ҚАЧОН ТАРК ЭТМАСИН.



ТАҚДИМОТ

## "Қирққиз қалъаси"нинг сири

Тошкентдаги Алишер Навоий кино саройида "Қирққиз қалъасининг сири" номли ҳужжатли фильмнинг тақдимоти бўлиб ўтди.

Мазкур фильм Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси қошидаги "Раҳбар аёллар" клуби, "Шарқ аёли" халқаро аёллар жамоат жамғармаси ҳамкорлигида "Ўзбеккино" Миллий агентлиги буюртмасига биноан "Ватан" киностудиясида суратга олинган.

Сценарий муаллифи ва режиссёр Комил Ҳамроев, илмий маслаҳатчи Гулсум Хўжамшукурова бўлиб, фильмда бундан ўн бир аср муқаддам қадим Термиздаги "Қирққиз қалъаси"да илмий фаолият олиб борган замонасининг зиёли, олима аёллари ва таълим раҳнамолари бўлмиш Руҳайдаи Даврон, Ҳурайда бинти ал-Ҳакима, шунингдек, уларга устозлик қилган аллома Аҳмад Устурлобий ас-Соғуний ат-Термизийнинг буюк кашфиётлари, илмий қарашлари ҳақида ҳикоя қилинган.

Маълумотларга қараганда, Сурхондарё вилоятида жойлашган мазкур қалъа Осиёнинг энг билимдон қизларини йиғиб, илм-фан тараққиётида ўз ўрнини қолдирган қирқ қиз академияси номига эга бўлган. Ноёб ва мўъжизакор ушбу жой аждодларимиздан қолган маданий мерос бўлиб, IX асрга тааллуқли бу қалъанинг меъморий тузилиши ўзига хослиги билан ажралиб туради. Меъморий салоҳияти юқори бўлган қалъада ҳам дунёвий, ҳам диний билимлардан сабоқ олган қизларнинг яшаши, билим олиши ҳамда осмонни кузатиши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

- Вилоятимизда 2004 йилдан буён фаолият олиб бораётган "Қирққиз" хайрия маънавият-маърифат марказида қўлёзмалар фонди мавжуд, - дейди арабшунос олима Гулсум Хўжамшукурова. - Ушбу фондга жуда кўплаб китоблар келиб тушмоқда. Ўша китоблардан бири бўлган "Илм ун-нужум"ни таржима қилганимизда унда "Қирққиз" бобини учратдик. Китобда айтилишича, "Қирққиз қалъаси"га қизлар қирқта давлатдан келганлар ҳамда қирқта имтиҳон топшириб академияга кирганлар. Ушбу академия дорилфунун деб аталганлиги хусусида маълумотлар бор. Атамашунослардан олинган манбаларга кўра, бу ерда қизларга қирқ соҳадан сабоқ берилиб, унга Ал Ҳаким ат-Термизийнинг қизлари Руҳайдаи Даврон бошчилик қилган. Бундан ташқари, ҳар бир қиз қирқта соҳани ўрганиб, қирқта тилни билган. Табобат ва илми нужум чуқур ва пухта ўргатилган.

Дарҳақиқат, мустақиллик қадимий китобларимизни юзага чиқариб, уни ўқиб-ўрганиб, аждодларимиздан бизгача қолган маданий меросни билиш ҳамда бой тарихимизни ўзимиз теран англаган ҳолда келажак авлодларга етказиб бериш имкониятини яратди.

## Ватан мадҳи ила йўғрилган ижод

КЎРГАЗМА

Ўзбекистон Бадиий академияси Марказий кўргазмалар залида бадиий кўргазма очилди. Унда Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган "Энг улуғ, энг азиз" республика кўрик-танловига тасвирий ва фотосанъат йўналиши бўйича топширилган ижодий ишлар намойиш этилди.

Аксарият ишлар юртимизнинг гўзал табиати, муҳташам обидалари, меҳридарё одамларию тенгсиз қишлоқ манзаралари каби ватан мадҳи акс этган асарлардан иборат.

Кўргазманинг очилишида мамлакатимизда санъатга, хусусан тасвирий санъатга кўрсатилаётган юксак эътибор ва миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, ривожлантириш ва ёш авлодга етказиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар хусусида сўз борди. Ижодкорларнинг эркин ижод қилиши, изланиши учун барча шароит ва имкониятлар яратиб берилаётгани алоҳида таъкидланди.

Шунингдек, ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш ва истеъдодларни аниқлаш борасида ўтказилаётган турли кўрик-танлов, фестиваль ва анжуманларнинг аҳамияти юқори экани гапирилди.

"Энг улуғ, энг азиз" республика кўрик-танлови бу йил "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон" шиори остида ўтмоқда. Танловда иштирок этиш истагидаги ижодкорлар сафи йил сайин кенгайиб бораётгани ва ижодий ишлар савияси ҳам тобора юксалаётгани аҳамиятлидир.

Тасвирий ва фото санъат йўналиши бўйича тақдим этилган ишлар жанр, услуб ва мавзу бўйича ранг-баранг ва қамрови кенгдир.

Асарларда истиқлолнинг ҳар бир юртдошимиз ҳаётидаги ўрни, барча жабҳаларда эришаётган ютуқларимиз, тинч, осуда ва фаровон ҳаётимиз акс этган. Халқимизнинг буюк бунёдкорлик салоҳияти, самимий ва меҳнаткаш ҳамюртларимиз қиёфаси ёрқин рангларда тасвирланган.

**"Туркистон-пресс"**

# МАЪНАВИЯТ

МУЛОҲАЗА

Китоб бир неча минг йиллар аввал пайдо бўлган энг қадимги ва ноёб кашфиётлардан бири саналади. Қоғоз кашф этилмасдан бурун Қадимги Рим, Миср ва Юнонистонда бўлгани каби бизда ҳам кишилар ўз фикрларини тош, сопол, суяк ва бошқа воситалар орқали ифода этганлар. Қоғознинг кашф этилиши китоботчилик тарихида янги даврни очиб берди.

## Китоб, китобхон ва кутубхона

### ўзаро ҳамкорлик зарур

**Абдулла САИДОВ,**
**Халқ таълими аълочиси**

Маълумки, биз китобларни уларнинг турлари, мақсад-мавзулари ва аҳамиятига қараб ўрганамиз. Бадиий, ижтимоий-сиёсий, қадимий ва шу турдаги китоблар орқали ўсиб келаётган ёш авлод, қолаверса, ҳар бир китобхон билим савиясини оширади, тафаккурини ривожлантиради, фикр доирасини кенгайтиради ва маънавий-руҳий озиқа олади. Буюк мутафаккир шоир А.Жомий шундай деган: "Дунёда китобдан ёқимлироқ дўст, ундан ортиқ ғамхўр йўқ, унда юз роҳат бор, ҳеч қачон озор йўқ". Бу борада Суқрот ҳам фикр юритиб: "Фақат бир эзгулик бор – билим ва фақат бир ёмонлик - жаҳолат", деган экан.

Дарвоқе, Жиззах вилоят марказий кутубхона масъул ходимлари томонидан омма ўртасида турли касбдаги кишилар ҳамкорлигида "Китоб дилга нур беради", "Бадиий адабиётлар - миллий ғоя жарчиси", Президентимиз Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" асари, "Миллий армиямиз – мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг, мустаҳкам кафолатидир", "Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ва ёшлар" каби мавзуларда суҳбатлар, ёзма ижодий савол-жавоб кечалари ўтказиб келинаётгани таҳсинга лойиқдир.

Йилнинг тўрт фасл манзараларини ифодаловчи фотосуратлар, этюдлар китобхон онги, фантазияси ҳамда фикр доирасини кенгайтириш, китобни эъзозлаш ва қадрлашга ундайди, албатта. Шунингдек, Ғаллаорол туманидаги 44-мактаб қошида ташкил қилинган ахборот-ресурс маркази ходимларининг диққат-эътибори мустақил республикамиз учун комил инсонларни тарбиялаш, уларда она-Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини мустаҳкамлаш, миллий мафкура ва миллий ғояни онгига сингдириб боришга қаратиляпти.

Ғаллаорол туман тиббиёт коллежида ҳам шонли саналар, муҳим ва унутилмас кунларга бағишлаб китоб ярмаркалари ўтказилаётганлиги ва унда янги адабиёт нашрлари ташкил этилаётганлиги, ЎзМТДП туман кенгаши Ижроия қўмитасининг китобхонларга кўрсатаётган ёрдами қувончли ҳолдир. Улуғ шоир ва ёзувчиларнинг юбилейлари олдидан маҳаллий ижодкорлар билан учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Энг кўп китоб ўқиган ўқувчилар рағбатлантирилиб борилаяпти. Улар ҳар йили вилоят китобхонлар кўрик-танловларида қатнашиб, фахрли ўринларни эгалламоқдалар. Бунда коллеж кутубхонаси мудири, олий маълумотли мутахассис Шоҳида Мансурованинг хизматларини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Яна бир мисол. Ғаллаорол туманидаги Муллабулоқ қишлоғида яшаб ўтган марҳум Абдуқодир ота Сангиров уйида музей ташкил этилган. Ҳозир уй-музейида араб ва лотин алифболарида чоп этилган кўплаб адабиётлар, газета ва журнал тахламлари сақланаяпти.

Туманда истиқомат қилаётган меҳнат фахрийлари Абдурайим Жонибеков, Маҳмуд Шомирзаев, уста тикувчи Яков Ли, хизматчи Бахтиёр Ҳасанов каби китобсеварларни кенг китобхонлар оммаси фахр билан тилга олишади.

Ўзим ҳам китоб шайдосиман. Шахсий кутубхонамда 2 мингга яқин бадиий китоблар бўлиб, ундан фойдаланувчи китобхонлар 30 нафарни ташкил қилади. Уларнинг касби ва ёшлари ҳар хил, лекин биз умумий тил топиб келаяпмиз.

Бугунги кунда бозор муносабатлари ва турли электрон оммавий ахборот воситалари китобхонни катта адабиётдан бироз бўлса-да, узоқлаштириб қўймоқда. Бироқ, китоб – улкан мўъжиза, ундан асло юз ўгирмаслигимиз лозим. Биз қайси касб эгаси бўлмайлик вақти-вақти билан бадиий китобларни мутолаа қилиб турмоғимиз даркор. Кўп китоб ўқиган, ҳаётни осон англашини эслатмоқчимиз, холос.

Хулоса қилиб айтганда, муассаса, ташкилот ва ўқув юртлардаги кутубхона ходимларининг асосий вазифалари китобхон қалбида халқимизнинг маданий-маърифий, тарихий ёдгорликлари, муқаддас қадамжолари, урф-одатлари ва анъаналарига эътиқод туйғуларини шакллантиришга қаратилмоғи лозим. Китоб, китобхон ва кутубхона ўртасидаги восита — занжир бўшаб кетмаслигига эришибгина маънавий баркамол авлодни шакллантириш мумкин.

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

# ЎзМТДП ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ

## Халқимизни истиқлолимизнинг 19 йиллик шодиёнаси билан қутлайди!





## ЭНГ УЛУҒ НЕЪМАТ - МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ВА ТИНЧЛИГИМИЗ АБАДИЙ БЎЛСИН!

ИСЛОҲОТ ВА САМАРА

Истиқлол туфайли Навоий вилояти ва унинг мамлакатимиз иқтисодиётида тутган ўрни тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Масалан, бепоён Қизилқум бағрида халқаро аҳамиятга эга улкан иқтисодий зонанинг ташкил этилиши ушбу замин довруғини жаҳонга танитди. Дарҳақиқат, Президентимизнинг 2008 йил 2 декабрда қабул қилган "Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зонани ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони вилоят иқтисодий салоҳиятини юксалтириш йўлидаги яна бир улкан қадам бўлди.

# Истиқлол неъматлари

## Навоий вилоятида барча жабҳаларда намоён бўлмоқда

**Парда ЖУМАЕВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Бунинг натижасида 19 та инвестицион лойиҳа бўйича 100 млн. АҚШ долларидан ортиқ маблағ Навоий халқаро аэропорти ва унинг атрофини ривожлантиришга йўналтирилди. Мазкур қўналға базасида халқаро ташишлар бўйича интермодел маркази қурилиши юзасидан йирик ишлар амалга оширилди. Натижада замонавий юк самолётлари ёрдамида халқаро йўналишлар бўйича доимий рейслар амалга оширилиб, катта ҳажмдаги юкларнинг ташилишига эришилмоқда. Бу борада "Кореан-Эйр" компаниясининг яқин ҳамкорлиги ушбу халқаро аҳамиятдаги ҳудуднинг замонавий даражада қад ростлашига омил бўлаяпти. Шунингдек, ушбу компания томонидан замонавий типдаги турар-жойларнинг қурилиши сарҳадсиз чўл бағридаги аэропортнинг кундан-кунга чиройини ошираётир. Бунинг воситасида вилоятда саноат салоҳияти, ишлаб чиқариш қудрати, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилма янада ривожланади. Аэропорт негизидаги халқаро логистика марказидан дунёнинг кўплаб ривожланган мамлакатларига, жумладан, Марказий ва Жанубий Осиё, Яқин Шарқ ва Европа қитъаларига халқаро рейслар йўлга қўйилмоқда. Бугунги кунда ҳафтасига йигирмадан зиёд қатновлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилда иқтисодий зонада 15 та ишлаб чиқариш корхонаси ишга туширилиши мўлжалланган. "Шўртанкимё-комбинат" корхонасига тегишли 75-630 мм. ҳажмдаги полиэтилин қувурлар ишлаб чиқарадиган комбинат, рақамли телевидение сигналларини қабул қилувчи, ахборот технологиялари ускуналарини ишлаб чиқаришга мўлжалланган Ўзбекистон-Корея қўшма корхонаси, генераторлар ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон-Корея қўшма корхонаси, автомобиллар учун спидометр ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон-Ҳиндистон қўшма корхонаси каби йирик қувватдаги ишлаб чиқариш корхоналарининг ишга туширилиши натижасида вилоят олий ўқув юртлари ва коллежларини тамомлаган 1700 нафар йигит-қиз ишга жойлашди.

"Дўстлик" орденли Навоий кон-металлургия комбинати ўтган йили Учқудуқда олтин саралашда халқаро стандартлар ҳамда мутлақо янгилик бўлган биотехнология усулида ишлайдиган цех қуриб ГМЗ-3 заводи шуҳратини янада оширган бўлса, жорий йилда Зармитанда ГМЗ-4 қурилиши авж олди. Бунинг воситасида қимматбаҳо маҳсулотлар қазиб олиш ҳажми янада кўпаяди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамай, Юртбошимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган Ўзбекистонда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини бартараф этиш чора-тадбирлари Дастури ва 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар Дастури ана шундай улкан муваффақиятларга эришиш учун замин бўлаяпти. Жумладан, молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизимининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш, иқтисодиётнинг реал сектор тармоқларига ижобий таъсир кўрсатиш ҳамда маҳаллий аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашини таъминлайди.

Дарҳақиқат, бу борада узоқни кўзлаб қўйилган қадамлар замиридаги ўзгаришлар ва юксалишлар ижтимоий-иқтисодий ҳаётда ўзининг яққол самарасини бера бошлади. Бунинг натижасида соҳаларда ютуқларга мустаҳкам пойдевор қўйилди. Иқтисодий ўсишни таъминлашда янги иш ўринларини ташкил этиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадларини ошириш муҳим ўрин эгаллайди. Интилишлар самараси тараққиёт ва фаровонлик сари кенг имкониятлар эшигини очиб, аҳолининг турмуш даражасини яхшилаш, қишлоқлар инфратузилмасини тубдан ўзгартириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, аграр соҳани юксалтириш ҳамда янги иш ўринларининг яратилишига асос бўлмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўзида вилоятда 40,3 мингга яқин янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

Бугунги кунда аҳолининг турмуш даражасини ошириш, дастурхонларни мева-сабзавот ва озиқ-овқат маҳсулотларига тўлдириш, ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланиш мақсадида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бундан асосий мақсад аҳоли томорқаларига, экин майдонларига эҳтиёждаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экишни жорий этишни 30 фоизга кўпайтириш ва бу билан ҳудуддаги бозорларда нарх-навонинг барқарорлигини таъминлаш кўзда тутилди.

Айниқса, вилоят ҳудудидаги маданий ёдгорликларни асраб-авайлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу борада вилоят ҳокимининг "Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси вилоят бўлими фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда ҳудуддаги мавжуд маданий мерос объектларида аҳоли ва сайёҳларга хизмат кўрсатишни яхшилаш тўғрисидаги қарори қабул қилинди ва шу асосда тарихий жойларда қурилиш-таъмирлаш ишлари жадал суръатлар билан олиб бориляпти. Жумладан, Нурота туманининг "Чашма" мажмуасидаги улкан бунёдкорлик ишлари муқаддас зиёратгоҳнинг умумий қиёфасига ўзгача шукуҳ бағишлайди. Яъни улкан мажмуага миллийлик касб этган кириш дарвозасининг бунёд этилиши, «Чилустун», «Кўкгумбаз» масжиди, хилхоналар ва бошқа обидаларда бажарилган ишлар бу тарихий қадамжо жамолини янада ўзгартириб юборди.

Вилоятда овулу қишлоқлар жуда кўп. Шунинг учун бу ҳудудларда ҳам уй-жой қуриш ва аҳоли истиқомат манзилларининг инфратузилмасини ривожлантириш масаласида мақтовга молик ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжини таъминлаш, айниқса, ёш оилаларга имтиёз ва кредитлар бериш талаб даражасида йўлга қўйилди. Масалан, ҳар бир туманда йил охиригача жами 80 та янги, ёш оилалар учун турар-жой бинолари қуриб фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда.

"Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида олиб борилаётган ишлар ҳам ўз самарасини бераяпти. Бундан, асосан, тиббиёт соҳасини ривожлантириш ва сифатини ошириш, келажак авлод вакилларини камол топтириш, спорт мажмуалари ва маданий муассасаларни бунёд этиш, битирувчиларни иш билан таъминлаш, ёшларни соғлом турмуш тарзи тамойилларини шакллантиришга сафарбар этиш каби долзарб масалалар назарда тутилган. Масалан, биргина НКМКда Давлат дастури доирасида 10 млрд. сўмдан ортиқ мақсадли маблағ сарфланди. Бу ёшларга бўлган эътибор вилоятда ошиб бораётганидан дарак беради. Бунга муносиб тарзда ёшлар ҳам ўз интеллектуал салоҳияти, жисмоний даражалари, билим ва истеъдодлари билан вилоят шуҳратини олимпиадалар, халқаро мусобақаларда дунёга танитмоқда. Жумладан, талаба-ёшларимизнинг "Универсиада-2010" спорт мусобақасида фахрли учинчи ўринни қўлга киритиши, ёш каратэчи, курашчи ва спортчиларнинг турли мусобақалардаги ютуқлари кишини қувонтиради.

Истиқлол неъматлари Навоий вилоятида ана шундай тарзда барча жабҳаларда намоён бўлмоқда.

ЖАРАЁН

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

ЎзМТДП ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ

Азиз ватандошларимизни Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг




"АГРОБАНК" ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

AGROBANK

барча юртдошларимизни яқинлашиб келаётган энг улуғ ва энг азиз байрамимиз - мамлакатимиз Мустақиллиги куни билан самимий муборакбод этади!

Истиқлол йўлларимизни нурафшон, дилларимизни мунаввар этгани, Ватанимизга эрк, халқимизга фаровонлик ато қилгани абадий бўлсин!

Шодиёна муносабати билан Ўзбекистон халқини табриклаб, «Агробанк» қуйидаги банк хизмат турларини таклиф этади:

- ПЛАСТИК КАРТОЧКА — *замонавий ва ишончли тўлов воситаси!*
- VISA CARD — *дунё бўйлаб молиявий эркинлик!*
- ПУЛ ЎТКАЗМАЛАРИ — *тез, оддий ва ишончли!*
- ДЕПОЗИТ КАТАКЧАЛАР — *қимматли бойликларингизнинг кафолатли сақланиши*
- ПУЛ ОМОНАТЛАРИ — *даромадингизни кўпайтиришнинг ишончли усули!*



Хизматлар лицензияланган

"АГРОБАНК" - ЮРТ ОБОДЛИГИ ВА ЯРАТУВЧАНЛИК ҒОЯЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ ТАЯНЧИ!

СПОРТ

Мамлакатимизда хотин-қизлар ўртасида спортни ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Зеро, спорт соғлик-саломатлик гаровидир. Шунингдек, у инсон иродасини тоблайди. Матонатли ғайрат-шижоатли бўлишга ундайди. Соғлом инсон — соғлом фикрлайди. «Соғлом танда — соғ ақл» деган пурҳикмат нақлнинг моҳияти ҳам ана шунда.

# Ишонч оқланди

## Азиза бугун шогирдларига сабоқ бермоқда

**Анорбой НОРҚУЛОВ,**
**«Milliy tiklanish» мухбири**

Юртимизда қизларимизнинг спорт билан шуғулланишлари учун катта имкониятлар эшиги очиб берилган. Бу эса албатта, уларни янада руҳлантирмоқда. Шунингдек янгидан-янги зафарларга ундаяпти. Мамлакатимизда шижоатли, умидли спортчи қизлар кўпчиликни ташкил этади. Улардан бири Азиза Каримқуловадир. Азиза ҳали жуда ёш, аммо спорт оламида аллақачон довруғ қозонган. Шарқ якка кураши, таэквондо, кикбоксинг ва жет кун до турлари бўйича бир неча карра мамлакат чемпиони ва халқаро турнирлар ғолибаси. Қолаверса, у таэквондо бўйича Осиё чемпиони деган юксак ном соҳибасидир. Бу ютуқларга эришишнинг ўзи бўлгани йўқ. Унинг замирида катта меҳнат, машаққат ётибди. Азиза болалагидан таэквондога қизиқди. Қизиқиш уни Гулистон шаҳридаги спорт тўгарагига етаклади. Мурод Умаров, Абдулла Кўчмуродов каби моҳир мураббийлардан сабоқ олди.

У тўгаракка келганда ҳали қизлар йўқ эди. Азиза илк мусобақаларда ўғил болалар билан татамига чиқди. Чаққон ҳаракатлари билан рақибларини бирин-кетин енгиб, довруғ қозона бошлади. Унга ҳавас қилганлар кўпайди ва тўгаракка қизлар ҳам кела бошлади. Ўтган 2009 йил ёш спортчи учун омадли бўлди. У Қозоғистон Республикасида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида олтин медални қўлга киритиб, қитъа чемпиони деган номга эга бўлди. Ўшанда кореялик тенгдоши билан финалдаги жанг муросасиз курашлар остида ўтиб, юртдошимиз зафар қучди. Ғолибанинг номи эълон қилиниб юртимиз байроғи кўтарилди, мадҳиямиз янгради. Азизанинг кўзларидан қувонч ёшлари оқди. Юраги ғурурга тўлди. Азиза Каримқулова Туркиянинг Бурсия, Малатия шаҳарларида бўлиб ўтган халқаро беллашувларда ҳам қатнашиб, катта ютуқларни қўлга киритди. Шу йил февраль ойида Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган мамлакат чемпионатида ҳам муваффақиятли иштирок этиб, олтин медал соҳибаси бўлди. Ёш спортчи куни кеча шогирд эди, бугун эса устоз. Спорт мусобақаларида қатнашиш билан бирга мураббийлик ҳам қилмоқда. Ҳозир у Гулистон шаҳридаги 4-умумтаълим мактаби ва хорижий тилларни ўргатишга ихтисослашган мактаб-интернатдаги тўгаракларда 50 нафарга яқин ўғил-қизларга Шарқ якка кураши ва жанг санъатидан сабоқ бераяпти.

- Шогирдларим орасида умидли ёшлар жуда кўп, - дейди Азиза Каримқулова. - Улардан эртанги кунда мамлакат, Осиё ҳамда жаҳон чемпионлари чиқади ва юртимиз довруғини дунёга таратади, деб умид қиламан.

# ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ШАРҲ

## Покистон халқига инсонпарварлик ёрдами

21 август куни "Ил-76" транспорт самолётида Тошкентдан Исломободга табиий офатдан жабрланган Покистон халқига Ўзбекистон Республикасининг инсонпарварлик ёрдами жўнатилди.

Вазни 40 тонна ва қиймати 300 минг АҚШ доллари миқдоридаги мазкур инсонпарварлик ёрдами энг зарур нарсалар, жумладан, чодир, кўрпа-тўшак, ичимлик суви, дори-дармон, ун, гуруч, болалар озуқаси, катталар ва болалар учун кийим-кечакдан иборат.

Ўзбекистоннинг ушбу инсонпарварлик ёрдами Покистон оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди. Бу ерда инглиз тилида нашр этиладиган "World Tribune Pakistan" газетаси ўз саҳифалари ва веб-сайтида "Ўзбекистон тошқиндан жабр кўрган Покистон халқига инсонпарварлик ёрдамини жўнатди" сарлавҳаси остида материал чоп этди. Унда, жумладан, бундай дейилади:

«Қардош Ўзбекистон ушбу мусибатли кунларда қардош Покистон халқини қўллаб-қувватлади. Республика раҳбарияти Покистонда тошқиндан азият чекканларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш ҳақида қарор қабул қилди».

Инглиз тилидаги яна бир веб-сайт - "Daily Times" "Бутун дунё Покистонга тошқин оқибатларини бартараф этишда ёрдам бермоқда" сарлавҳали материални эълон қилди. Унда қуйидагилар қайд этилган: "Ўзбекистон Покистонга тошқин қурбонлари учун 40 тонналик ёрдам юкини етказиб берди. Чодир, кўрпа-тўшак, ичимлик суви, дори-дармон, ун, гуруч, болалар озуқаси, катталар ва болалар учун кийим-кечакдан иборат ушбу ёрдам Ўзбекистондан транспорт самолётида келтирилди".

Ўзбекистон томонидан ушбу инсонпарварлик ёрдамини Покистон вакилларига топшириш маросими, шунингдек, "Euronews" Европа телеканали орқали кенг ёритилди. Мазкур тадбир ҳақидаги фотолавҳа "Associated Press" (АҚШ) ахборот агентлигининг электрон саҳифасида ҳам эълон қилинди. Айни вақтда Ўзбекистон томонидан етказиб берилган инсонпарварлик ёрдами Покистон жамоатчилиги, расмий ва дипломатик доиралари томонидан катта мамнуният билан кутиб олинди.

Хусусан, инсонпарварлик ёрдамини топшириш маросимида иштирок этган Покистон Ислом Республикасининг Давлат ташқи ишлар вазири Навабзода Малик Амад Хон шундай деди:

«Мен ҳукуматимиз номидан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовга ва бутун қардош ўзбек халқига юборган ушбу зарур инсонпарварлик ёрдами учун самимий миннатдорлик изҳор этаман.

2005 йили Покистон зилзила оқибатида вайрон бўлган пайтда ҳам Ўзбекистон халқимизга биринчилардан бўлиб ёрдам қўлини чўзган ва Исломободга инсонпарварлик ёрдами жўнатган эди. Ўзбекистон раҳбарияти Покистон халқига ҳар доим ёрдам беришга тайёр эканини яна бир бор исботлади. Ушбу оғир кунларда кўрсатилган ёрдам учун миннатдормиз. Мазкур тошқин мамлакатимиз тарихидаги энг катта табиий офатлардан бўлиб, унинг оқибатида 20 миллиондан ортиқ одам жабр кўрди.

Президент Осиф Али Зардорий, Вазирлар Маҳкамаси ва Ташқи ишлар вазирлиги номидан Ўзбекистон раҳбариятини ишонтириб айтаманки, покистонликлар қардош ўзбек халқи кўрсатаётган ёрдамни ҳеч қачон унутмайди. Дўст кулфатда билинади! Покистонликлар учун оғир кунларда ўзбек халқининг олижаноблик ва бағрикенглик билан зарур ёрдам кўрсатгани айни мана шу халқ мақолининг яна бир ифодаси бўлди».

Покистон Фавқулодда вазиятлар агентлиги раисининг ўринбосари Неъматулла Хон Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорлик билдирар экан, Ўзбекистон томонидан кўрсатилган мазкур ёрдам яқинда содир этилган қирғизистонлик қочқинлар билан боғлиқ ижтимоий фожиадан кейин ажратилгани, айниқса, аҳамиятли эканини таъкидлади.

Унинг сўзларига кўра: "ушбу инсонпарварлик ёрдами мамлакат ҳукумати томонидан тасдиқланган ишлар режасига биноан зудлик билан музофотларга тақсимланади. Болалар озуқаси, ун, гуруч ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари икки кун ичида жабрланган аҳолига, жумладан, Навшаҳар ва Атток аҳоли пунктларига етказилади.

Инсонпарварлик юки таркибида келтирилган фармацевтика воситалари эса талофот кўрган ҳудудларга дори-дармон етказиб берилишини мувофиқлаштираётган Покистон соғликни сақлаш вазирлигининг бирлашган навбатчи штаби ва Жаҳон соғликни сақлаш ташкилотининг Покистондаги ваколатхонасига топширилади".

Инсонпарварлик юкини жўнатишда қатнашган Покистон Ислом Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Муҳаммад Воҳид ул-Ҳасан Ўзбекистон Республикаси раҳбариятига Покистон халқига кўрсатган ёрдами учун миннатдорлик изҳор этаркан, қуйидагиларни таъкидлади:

«Покистон Ислом Республикасида рўй берган табиий офат туфайли қарийб 20 миллион киши жабр кўрди, уларнинг 4 миллион нафари бошпанасиз қолди. Жала тўхтамаяпти, такрорий тошқинлар бўлиши кутилмоқда. Покистон тарихида бундай табиий офат ҳали кузатилмаган. Шу муносабат билан Ўзбекистоннинг инсонпарварлик ёрдами жабрланганлар эҳтиёжларини қоплаш учун ўз вақтида етказиб берилди. Айни пайтда чодир, кўрпа-тўшак, ичимлик суви, болалар озуқасига, айниқса, эҳтиёж катта.

Ўзбекларда ҳам, покистонликларда ҳам "дўст кулфатда билинади", деган мақол бор. Мамлакатларимизни азалдан дўстлик ва қардошлик ришталари боғлаб туради. Покистон халқи 2005 йилда рўй берган зилзила вақтида Ўзбекистон етказиб берган ёрдамни унутгани йўқ. Шуни таъкидлашни истардимки, Покистонда ўзбек халқи, унинг қадимий маданияти ва анъаналари ғоят юксак қадрланади. Бугунги кунда Ўзбекистон қўлга киритаётган ютуқлар бизни ҳам қувонтиради».

**«Жаҳон» АА**

РАНГИН ДУНЁ

# КАШФИЁТЛАР

## уларнинг ҳар бири ўз тарихига эга

Биз ҳар томонлама тараққий этган техника асрида яшаяпмиз. Гоҳида атрофга назар солиб, рўзғордаги буюмларни ким яратган, қачон кашф этган, деб ўйлаб қоламиз. Ҳа, ҳақиқатан ҳам ҳозир бизга оддийгина туюлган буюмнинг кашф этилиши ўз замонасида жуда муҳим роль ўйнаган. Шу боис, биз инсоният тарихида муҳим аҳамият касб этган кашфиётларнинг яратилиш тарихига тўхталишни жоиз топдик.

**Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

Маълумки, инсоният асрлар давомида китоб ва қўлёзма асарларни сақлаб қолишда асосан қўл меҳнатидан фойдаланиб келган. Лекин ёзув машинкаси ихтиро қилингач, инсон бу қурилмага қўлёзмаларни батамом ишониб топширди. Ёзув машинкасини ихтиро қилиниши ўз даврида маданиятнинг юқори даражага кўтарилишига сабаб бўлади. XVIII асрдаёқ ёзув машинкасининг бир нечта модели яратилган эди. Тўғрироғи, улар ниҳоятда секин ҳаракатлангани боис, кўпчилик уни ёқтирмасди. Илк ёзув машинкаларидан бири 1833 йили франциялик Прогрин томонидан кашф қилинган. Аммо, у жуда қўпол ва турли ноқулайликларни келтириб чиқарарди. 1867 йили америкалик нашриётчилар Леттам Шоулз ва Самуэль Сулле қоғоз бетларини рақамлаш ва банк чипталарига серия қўйиш учун қурилма ихтиро қилишади. Шунда Шоулзнинг бир таниши худди шу қурилма ёрдамида рақам эмас, балки ҳарфларни ёзиб кўришни маслаҳат беради. Бу фикр уларга маъқул тушади. Шу йилнинг куз ойига келиб, Шоулз ва Самуэлнинг биринчи кўп ҳарфли ёзув машинкаси ихтиро қилинади.

Шоулз изланишда тўхтамай, Диксемор исмли дўсти билан ёзув машинкани кўп ишлаб чиқаришни режалаштиради. Фақат 1873 йилга келиб, унинг орзуси рўёбга чиқади. Ремингтон номли машҳур фабрика машинканинг 100 га яқинини сотувга чиқаради. Америкалик ёзувчи Марк Твен биринчилардан бўлиб ушбу машинкалардан бирини харид қилади. Айтишларича, унинг «Том Сойер» романи айнан шу машинкада терилган экан. Аввалига бу машинка кўпчиликни қониқтирмаган бўлсада, бироқ кейинчалик, бу ҳақиқий кашфиёт бўлгани ҳеч кимда шак-шубҳа қолдирмайди. XX аср бошига қадар, асосан, ана



шу ёзув машинкаларидан фойдаланиб келинган.

* * *

1795 йили Франция императори маҳсулотни узоқ муддат сақлаш йўлини ўйлаб топган кимсага алоҳида мукофот борлигини эълон қилади. Ўша давр ҳарбийлари, айниқса, Наполеон армиясига бу жуда муҳим эди. Ниҳоят, бир неча йиллик машаққатлардан сўнг қандолатчи Никола Аппер консервалаш технологиясини таклиф этади ва императорнинг буюк мукофоти ҳамда «Инсоният халоскори» деган унвонга сазовор бўлади. Аппер ўз замонасига мос равишда маҳсулотларни шиша идишларда сақлаш йўлини излаб топган. Кейинроқ, 1812 йилга келиб британиялик муҳандис Брайн Данкин пўлат идишларда консервалаш усулини йўлга қўяди. Бу усул узоқ саёҳатга отланган экспедиция гуруҳлари учун маъқул тушади. Бироқ, ушбу консерваланган идишларни очишнинг ўзи яна бир муаммо эди. Ўшанда консерваланган маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи корхоналар пўлат идишни очишда болғадан фойдаланишни маслаҳат беришади.

XIX асрга келиб консерва идишлари анча юпқа металлдан ишлана бошланган. 1858 йили Эзра Уорнер илк бор консерва очувчи икки тиғли пичоқни ихтиро қилади. 1870 йилга келиб америкалик Уильям Лайман банкани арралашни эмас, балки махсус кесувчи ғилдиракчадан фойдаланишни таклиф қилади. У қурилма худди ҳозирги циркулга ўхшаб, бир оёғи банканинг ўртасига тўғналиб, иккинчи ўткир ғилдираги банкани очиш вазифасини бажарган. Ниҳоят, 1925 йилга келиб Сан-Францискода Лайманнинг илк замонавий очгичлари ишлаб чиқарила бошланган.

* * *

1886 йили Бруклинда туғилган Кларенс Бёрдсай биологлар оиласида тарбиялангани боисми ёшлигиданоқ ҳайвонларнинг анатомиясини ўрганишга жуда қизиққан. У 1910 йили балиқларни ўрганиш мақсадида Лабрадор ярим оролига боради. У ерда абориген-эскимослар қишда балиқларни сақлаш учун балиқни музда қолдиришгани ва арктика шамоли бир зумда уларни музлатганини илк бор кўради. Айниқса, Кларенс музлаган балиқ пиширилганида янгисидан умуман фарқ қилмаслигидан ҳайратга тушади. 1917 йили ўз юртига қайтганидан сўнг, янги ихтиро устида анча бош қотиради. Ниҳоят Кларенс 1922 йили Birdseye Seafoods номли компанияни ташкил этади ва илк бор музланган денгиз маҳсулотларини савдога чиқаради. Бироқ, бу янгилик оммаға унчалик хуш келмайди. Чунки, у даврда ҳали на уй музлатгичи, на дўкон музлатгичи бўлмаган. Шу сабабли, у банкротга учрайди. Аммо, Кларенс тушкунликка тушмай яна ихтиролар уммонига ғарқ бўлади. Бир неча йилдан сўнг у янги General Seafoods компаниясини ташкил этади ва икки конвейрли музлатгич ишлаб чиқаришни йўлга қўяди. Бу ихтиро Кларенсга мислсиз омад келтиради. У дўконлар учун ҳам қулай музлатгичлар ишлаб чиқариб, музлаган балиқ, гўшт ва сабзавотларни узоқ вақт сақланишига ўз ҳиссасини қўшади.



# ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

## АҚШ ҳарбийлари уйга қайтди

**Ироқдаги АҚШ аскарлари ватанига қайтмоқда.**



- Кейинги ҳафтадан уларнинг ярмидан кўпроғи ўз уйларида бўлади. Шу сабабли Ироқ мавжуд зиддиятларни бартараф этиб, ҳукуматни шакллантириши керак,- дейди АҚШ вице президенти Жозеф Байден. Бундан кейин АҚШнинг Ироқдаги ҳарбий контенгенти 50 минг нафар аскарни ташкил этади, холос. Эслатиб ўтамиз, ўтган йили уларнинг сони 140 мингдан ортиқ эди. Ироқда қолган эскарлар маҳаллий ҳарбийларга кўмаклашиш вазифасини олган. Улар 2011 йилнинг охирида қайтарилади.

## Тирик эканлар

**Чилида 17 кундан кейин тириклиги аниқланган кончиларни қутқариб олиш тўрт ой давом этиши айтилмоқда.**




Уларнинг омон қолгани камерали зонт туширилгач маълум бўлган. Кончилар зонт орқали 33 кишининг барчаси сув захираси туфайли соғ-саломат эканлигини қоғоз парчасига ёзиб юборишган. 700 метр чуқурликда қолиб кетган ишчилар билан алоқа, уларга кўрсатилаётган ёрдам 15 сантиметрли туйнук орқали амалга оширилмоқда. Кончиларнинг яқинлари шу ернинг ўзида чодирлар ўрнатиб 24 соат навбатчилик қилмоқдалар.

## Оммавий тўқнашув

**Португалия шимолида 50 дан ортиқ автомобилларнинг тўқнашиб кетиши оқибатида 5 киши ҳалок бўлган, 72 киши жароҳатланган.**



Улардан 48 нафарининг аҳволи оғир. Маълумотларга кўра, ҳалокат содир бўлган шосседа аввалига 10та автомобиль ва 2та юк машинаси тўқнашиб кетган. Қолган тўқнашувлар келиб чиққан ёнғин тутуни ва туман оқибатида содир бўлган. Қутқарув ишларига 200 дан отиқ одам ва 3та махсус верталёт жалб этилган.

## «Биг Бен» ҳам ортда қолди

**Саудия Арабистонида дунёдаги энг йирик соат ишга туширилган.**

У Буюк Британиядаги энг машҳур соат "Биг Бен"дан бир неча баробар катта. Узунлиги 40 метр келувчи соат ердан 400 метр баландликда жойлашган. Соат механизми ўрнатилган минора эса 601 метрни ташкил этади. Янги мажмуа меҳмонхона ва турар-жой биноларини ҳам ўз ичига олган жами етти минорадан ташкил топган. Бутун механизмнинг оғирлиги эса 36 тоннадан иборат. Мажмуадан дунёдаги энг катта лифт ҳам ўрин олган. «Ал-Арабия» телевизион каналининг хабар беришича, Макканинг энг асосий соатига ниҳоятда аниқлик билан ишлашини таъминлайдиган механизм ўрнатилган. Замонавий технологиялар воситасида дунёдаги энг йирик соат шамол, чанг ва ёмғирдан муҳофаза қилинган.

## Тадқиқотчилар хавотирда

**Буюк Британиянинг қарийб 2,5 миллион аҳолиси мунтазам равишда наркотик моддалар қабул қилади.**



Бу ўтган йилга нисбатан 500 минг нафарга кўпайганлигини англатади. Мамлакат соғликни сақлаш тизимини тадқиқ этиш департаменти маълумотларига кўра, Қироллик ҳудудида вояга етган фуқароларнинг чорак қисми умри давомида бир маротаба бўлса-да таъқиқланган моддалар сотиб олган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиш айрим фуқаролар ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб қолган. Бу иллатга чалинган наркоманларнинг 400 мингдан ортиғи кокаин моддасини истеъмол қилишга одатланган.

2009 йилда Буюк Британияда гиёҳвандлик моддаларидан заҳарланганлик ҳолати бўйича 10 мингдан зиёд ўсмир тез тиббий ёрдам учун шифохонага мурожаат қилган. Бу олдинги йилга нисбатан 44 фоизга кўпдир, деб хавотир билдиради тадқиқот муаллифлари.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди**

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ

ALOQABANK

Мамлакатимиз аҳлини Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллиги билан самимий қутлайди!



Банк ўз мижозларига қуйидаги янги хизматларни таклиф этади:

Жисмоний шахслар учун
ИНТЕРНЕТ БАНКИНГ



VISA Classic
карточкасига эга бўлинг ва фойдаланинг.
ОАТ "Алоқабанк" VISA Classic карточкаси сафарларингиз учун тенгсиз ҳамроҳингиздир.

Шунингдек, банк аҳолига энг юқори фоизли "Интеллект" ва "Барака омад" омонатларини таклиф этади.

ALOQABANK

15 йил
банк хизматлари бозорида

Юртимиз тараққиётини янада юксалтиришга астойдил бел боғлаган ватандошларимизга кўтаринки руҳ, ғайрат-шижоат тилайди.

# КЎЗГУ

## ЎГИТ

**Ақл-идрок — инсон танасига жо этилган илоҳий руҳ зарраси.**

* * *

**Инсон қалби буюк ва бепоёндир. У чегара билмайди.**

* * *

**Эзгу ишнинг мукофоти — унинг амалга ошишидадир.**

## БИЛАСИЗМИ?

Инглиз тадқиқотчиларининг хулосасига кўра, замонавий инсон энг кўп вақтини телевизор қаршисида ўтказар экан. Кун давомида катта ёшли инсон ўрта ҳисобда 15 соату 45 дақиқа уйғоқ ҳолда бўлиши, шундан 45 фоиз вақтини телевизор, телефон, компьютер ва видео каби техникалар учун сарфлаши маълум бўлган.

* * *

Stop Sleep оддий узук каби қўлга тақилади. Бироқ, у қимматбаҳо тош ва металлдан ясалмаган. Узук йўл устида пинакка кетиш арафасида турган ҳайдовчини турли хил сигнал, шовқин-сурон ва ўзидан кўзни қамаштирувчи ёруғликлар таратиб уйғотаркан.

* * *

Сальвадор Дали мўйқаламига мансуб сюреаллистик жанрга оид тамомила номаълум асарлари яқинда Буффало университети қошидаги музей экспозицияларида намойиш этилди. Мазкур картиналарда рассом асосан шифокор Эдмунд Клайн сиймосини тасвирлаган.

## ТУРФА ОЛАМ

### Ғайриоддий машина

**HumanCar Inc компанияси ғайриоддий Imagine PS электромобилини омма эътиборига ҳавола этди.**



Манбада қайд этилишича, ушбу автомобиль худди велосипед каби қўл ва оёқ ёрдамида бошқарилар экан. Ҳалитдан ваҳимага тушманг, машинанинг электродвигатели ҳам бор. У соатига 100 километр тезликда ҳаракатланиш имконини берармиш. Ишланма муаллифларидан бири, профессор Чарльз Сэмюэл Гринвуднинг айтишича, биргина ҳайдовчининг ўзи бу ғайриоддий машинани бошқара олмайди. Бунинг учун камида 4 киши бўлиши керак. Бундай вазиятда машина худди катамаран каби бошқарилар экан. Машинани қўл кучи ёрдамида бошқариш учун деярли барча қулайликлар мавжуд. Жумладан, унинг махсус ғилдирак, ричаг ва батареялари, шунингдек, GSP-навигатор ҳамда сенсор дисплейи ҳар қандай вазиятда ҳайдовчига асқотиши аниқ.

### Металл ручка

**Англиялик кашфиётчилар яратган Inkless Metal Pen - сиёҳсиз металл ручка ҳеч қачон тугаб қолмайди.**



Айтишларича, ручка ҳақиқий қўрғошиндан тайёрланган бўлиб, худди қалам каби ёзади. Бироқ, бундай ручка билан ёзилган сўзларни ҳеч қандай ўчирғич ўчира олмасмиш. Қизиғи, ручка из қолдириш хусусиятига эга. Яъни, ручка ўзидан кейин майда металл кукунларни қолдирар экан. Энг муҳими, бундай ёзув қуролининг "сиёҳи" ҳеч қачон тугамайди. Унинг учини қалам каби очишга умуман ҳожат бўлмас эмиш. Ҳарфларни янада ингичка ёзишни истаган одам унга қумқоғоз ёрдамида озроқ шакл беришининг ўзи кифоя. Қолаверса, металл ручка оддийлардан фарқли ўлароқ вертикал ҳолда ҳам ёзавераркан. Ручканинг ўлчамларига келсак, узунлиги 150 мм., диаметри эса 9,5 мм.

### Қўшиқсеварлар учун туҳфа

**Bossini (Италия) компанияси мусиқасеварлар учун ажойиб туҳфа ҳозирлади.**

Бу гал компания омма эътиборига "мусиқий душ" ҳавола этди. Бундай душ тагида нафақат ювиниш, балки қўшиқ тинглаш ва ранг-баранг чироқлар ёғдусидан баҳра олиш мумкин. Мазкур душга ўрнатилган аудиотизим колонкалари iPod ёки плеерга уланса бўлгани, душ қабул қилаётган одам мириқиб қўшиқ тинглайверади. Диодли чироқлар эса мусиқа оҳангига мос равишда ўчиб-ёнаркан. Хоҳлаган киши чироқларни кайфиятига қараб исталган рангга алмаштириши мумкин экан. Бундай душ ҳар қандай одамга тетиклик ва роҳат бағишлаши турган гап.



Зафар МУҲАММАД тайёрлади



«Матбуот тарқатувчи» Акциядорлик компанияси

2010 йил учун газеталар, журналлар ва китобларга обуна давом этаётганлигини маълум қилади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислоҳотлар ва юртимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, Ватанимиз маънавий-маданий ҳаётидаги янгиланишлар ва воқеалар, хорижий мамлакатлар ҳаёти билан яқиндан ва мунтазам танишиб бораман десангиз вақтли матбуот нашрларига обуна бўлинг! Обуна «Матбуот тарқатувчи» АК ва «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг барча бўлимларида чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

Маълумот учун қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин:

**Тошкентда:** 233-67-71, 233-67-98

Компания тизимидаги жамиятларнинг телефонлари:

**ҚР Нукус** (3612) 22-88-68
**Андижон** (3742) 22-29-89
**Бухоро** (3652) 25-47-49
**Жиззах** (3722) 22-40-01
**Қашқадарё** (3752) 25-40-27
**Навоий** (4362) 23-26-86
**Наманган** (3692) 26-29-80
**Самарқанд** (3662) 34-22-53
**Сирдарё** (3672) 25-47-70
**Сурхондарё** (3762) 27-49-03
**Тошкент вил.** (3712) 233-13-04
**Фарғона** (3732) 24-29-22
**Хоразм** (3622) 26-63-75
**Компания бўлими** 234-85-99

Обунага кўмакчи – «Матбуот тарқатувчи»

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ:
«МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Ахтам ТУРСУНОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Ғолибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Рустам ҚОСИМОВ, Эркин ЮСУПОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир:
Жалолиддин САФОЕВ

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

e-mail: milliyt@sarkor.uz

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 723, Адади — 2891

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) 234-69-55, 234-87-74, 234-87-73, 234-86-41 ФАКС: 234-01-47

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2

Саҳифаловчи:
Акбар ШОДИЕВ
Навбатчи муҳаррир:
Гулбаҳор УМУРЗОҚОВА
Навбатчи:
Камолиддин ҲОТАМОВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 23.50.

1 2 3 5